

№7-8
(1542)
2026-YIL
18-APRELO'ZBEKISTONDA
SOG'LIQNI SAQLASHЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995-YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

■ Конгресс

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ
СТРАТЕГИК ТАШАББУСЛАР ЯНГИ БОСҚИЧДА

Жорий йилнинг 8-10 апрель кунлари Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар онкологларининг II Конгресси бўлиб ўтди

Ушбу нуфузли анжуманда Туркия, Озарбайжон, Қозғистон, Қирғиз Республикаси ҳамда бошқа қатор хорижий давлатлардан келган 300 нафардан ортиқ етук олимлар, соҳа экспертлари, халқаро ташкилотлар ва етакчи онкология марказлари раҳбарлари, амалиётчи мутахассислар иштирок этди. Таъкидлаш муҳимки, нуфузли тадбирда Туркия Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Кемал Мемшишоглу бошчилигидаги делегация юртимизга ташриф буюрди. Конгрессни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худаяров кириш сўзи билан очди.



Айтиш лозимки, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг ўзаро ҳамжихатлик йўлидаги ташаббуслари том маънода тарихий аҳамиятга эга. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг яқин ва ишончли қўшничилик, умумий қадрият ҳамда манфаатларга таянган ташки сиёсати натижасида давлатларимиз ўртасидаги алоқалар мутлақо янги босқичга кўтарилмоқда. Бугунги тадбир ҳам ана шундай самарали ҳамкорликнинг амалий тасдиғидир. Шунингдек, конгрессда Туркия Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Кемал Мемшишоглу сўзга чиқиб, кейинги йилларда икки давлат раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари бутунлай янги босқичга кўтарилаётгани, Ўзбекистон Туркия учун яқин дўст, ишончли ҳамкор эканлиги ҳамда халқларимиз ўртасида қардошлиқ ришталари янада мус-

таҳкамланаётганини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон ва Туркия соғлиқни сақлаш вазирлари Самарқандда учрашди.

Тадбирга ҳамоҳанг тарзда Самарқанд шаҳрида Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худаяров юртимизга ташриф буюрган Туркия Соғлиқни сақлаш вазири Кемал Мемшишоглу билан мулоқотда бўлди. Таъкидланганидек, Туркия-Ўзбекистон учун яқин дўст, ишончли ҳамкор. Президент Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 29 январь куни Туркияга расмий ташрифи кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтиришга замин яратди. Олий даражадаги музокаралар якунида Соғлиқни сақлаш, таълим ва ҳарбий тиббиёт соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланиши бу йўналишдаги алоқалар ривожига янгича суръат бағишлади.

Давоми 8 – бетда ▶

■ Эътироф

ЖАВОҲИР СИНДАРОВ «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ



Кипрда ўтган Номзодлар турнирида ғолиб бўлган Жавохир Синдаров Президент томонидан «Мехнат шухрати» ордени билан тақдирланди. Гроссмейстерга аввалроқ «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони берилган эди.

Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида шахматчимиз, Халқаро шахмат федерациясининг Номзодлар турнири ғолиби Жавохир Синдаровни шарафлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Шахматимиз тарихида биринчи мартаба Жавохир Синдаров Номзодлар турнирида ғалаба қозониб, том маънода тарихий натижага эришди. Мусобақа давомида у дунёнинг энг кучли гроссмейстерларига қарши юксак маҳорат ва катта жасорат билан кураш олиб борди, ҳар бир баҳсда

қатъият, кучли ирода ва интеллектуал устунлигини намоён этди. Айниқса, бир марта ҳам мағлубиятга учрамай, 14 та партияда 10 очко тўплагани, натижада очколар ва ғалабалар сони бўйича рекордлар ўрнатгани шахмат оламида камдан-кам учрайдиган ноёб ҳодисадир.

Президентимиз маросимда сўзга чиқиб, Жавохир Синдаровни мазкур тарихий зафар билан яна бир бор самимий қутлади. Бу бутун халқимизнинг, Янги Ўзбекистоннинг ғалабаси эканини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Жавохир Синдаровнинг бу

юксак ютуғи мамлакатимизда спортга, жумладан, шахматни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг амалий самараси эканини таъкидлади.

Тадбирда муддатидан олдин ғолибликни қўлга киритгани учун **Жавохир Синдаров «Мехнат шухрати» ордени** билан мукофотлангани тўғрисидаги Президент фармони ўқиб эшиттирилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу юксак мукофотни тантанали равишда топширди.

Гроссмейстеримиз ёшларга, спорт ривожига қаратилаётган доимий эътибор ва яратилаётган кенг шароитлар, кўрсатилган юксак ишонч ҳамда эътироф учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирди.

Хотира

ҚАЛБИ ЯХШИЛИК ВА ЭЗГУЛИККА

Дунёда шундай инсонлар борки, ўзининг меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги, эзгу фазилатлари, қолаверса, касбига бўлган садоқати ҳамда оила ва жамиятда тутган ўрни билан эл ичида обрў эътиборга ва ҳурматга сазовор бўлади. Ана шундай инсонлардан бири соғлиқни сақлаш тизимида кўп йиллар давомида фидойиларча меҳнат қилиб келган, тиббиёт фанлар доктори, профессор Абдулла Маткаримович Худайбергеновдир. Агар бу камтарин ва самимий инсон ҳаёт бўлганларида шу кунларда 90 ёшни қарши олган бўлар эдилар...

ситетини муваффақиятли тугатиб, илк фаолиятини Мўйноқ туман шифохонасида врач-хирург лавозимидан бошлади. Ёш интилувчан шифокор тез орада севган касбининг сир асрорларини пухта эгаллай бошлади. Ундаги шижоат ва касбига бўлган садоқатни кўрган раҳбарият ёш мутахассисни Қорақалпоғистон Республикаси шифохонасининг хирургия бўлими мудири, кейинчалик бош врач лавозимларига тайинлади.



илмий ходим бўлиб самарали меҳнат қилди. Ўзининг бутун умрини жарроҳлик соҳасига бағишлади ва бу соҳада тиббиёт фанлари доктори, профессор унвонларига эришди.

Абдулла Маткаримович замон талаби билан ҳамоҳанг юрадиган, ташаббускор олим ва ташкилотчи эди. Унинг ташаббуси билан 1992 йилда Ўзбекистон врачлар ассоциацияси ташкил этилди. Тиббиёт соҳасидаги илм кишиларининг сермашаққат изланишларини халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилдириш мақсадида 25 йил мобайнида ассоциацияга раислик қилди. Уни тинимсиз меҳнати ва ташкилотчилик маҳоратини ишга солиб бошқарди.



К уни кеча Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдулла Худайбергеновнинг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди. Мазкур

Ҳабибулла Оқилов ва бир қанча тадбир иштирокчилари сўзга чиқиб, устозларининг ҳаёт ва фаолият йўллари, шунингдек, юртимиз тиббиётининг ривожиди муносиб ҳиссалари борлигини фахр билан гапириб ўтдилар. Иштирокчиларга тиббиёт илмининг фидойиси бўлган профессор Абдулла Худайбергеновнинг

Таъкидлаш муҳимки, устозларидан касб сир-асрорларини мукамал ўрганиб, тез орада халқнинг ҳурматига сазовор бўлди.

Меҳнатлари таҳсинга лойиқ бўлган тиббиётимизнинг буюк дарғаси Абдулла Худайбергенов ўзининг ил-



кечани Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худайеров кириш сўзи билан очиб, тиббиётимизнинг буюк дарғаси, Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг асосчиси ва биринчи раиси, профессор Абдулла Худайбергеновнинг юртимиз тиббиётига қўшган улкан ҳиссаси ва касбий фаолияти давомида халқимиз саломатлиги йўлида астойдил хизмат қилганлигини ҳамда кўплаб шогирдларга устозлик сабоқларини бериб, ибрат мактабини яратиб кетганлигини эътироф этиб ўтди. Сўнгра сенатор Орал Атаниязова, Спорт вазири Адҳам Икрамов, Ўзбекистон врачлар ассоциацияси раиси Зафар Сидиқов, Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази кафедра профессори Дамин Асадов, Демография ва меҳнат бозори илмий-тадқиқот маркази директори, профессор Баҳодир Умурзоқов, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Тўлқин Искандаров, тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази директори

ҳаёт ва фаолият йўллари бағишланган видеофильм намойиш этилди.

“Денгиздан бир томчи” деганларидек, устознинг фаолият йўллари кискача бўлсада тўхталиб ўтишни лозим деб топдик.

Абдулла Худайбергенов 1936 йил 15 апрелда Қорақалпоғистон Республикасининг Тўртқўл шаҳрида таваллуд топган. Исми жисмига мос Абдулла Маткаримович ёшлигида жуда зукко, билимли бўлиб, мактабни аъло баҳоларга тугатган. Ёшлигидан шифокор бўлишини орзу қилган ёш истеъдодли Абдулла Худайбергенов ўқувчилик йилларини ортда қолдириб, ҳужжатларини Тошкент давлат тиббиёт университетига (собиқ Тошкент давлат тиббиёт институти) топшириб талабалик деган номга мушарраф бўлди. Қалби билим ва илмга ташна бўлган, талаба тенгқурлари орасида ўзининг касбига бўлган интилишлари ҳамда аъло ўқишлари билан ажралиб турарди. Тиббиёт илмига меҳр қўйган Абдулла Маткаримович 1959 йилда Тошкент давлат тиббиёт универ-

сий салоҳияти ила Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири лавозимларида ҳам фаолият юритди. Албатта, бундай масъулиятли лавозимларда ишлаш осон бўлмади. Мамлакатимиз тиббиёт тизимидаги фаолиятларни янада жадаллаштириш ҳамда аҳолига кўрсатилмаётган тиббий хизмат сифатини янада оширишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келди. Бунинг баробарида икки марта Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлигига сайланган. Бутун фаолияти давомида халқ саломатлигини сақлаш соҳасида салмоқли ишларни амалга оширди. 1986 - 2005 йилларда академик В. Воҳидов номли Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида фаолият юритган даврида ҳам институтнинг илмий салоҳиятини юқори даражаларга кўтаришда катта ишлар қилди. Умрининг охиригача марказнинг қизилўнгач меъда-ичак бўлимида катта

Ўзбекистон врачлар ассоциациясини нафақат республикамиз нодавлат ташкилотлари орасида, балки дунёнинг ва Европа давлатларининг тиббиёт ассоциациялари қаторида энг обрўли ва эътиборли уюшмалардан бирига айлантирди. Абдулла Маткаримович бошчиликларида Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг 14 та ҳудудий, 13 та тор ихтисосликдаги бўлимлари, ўттиз беш минг аъзоси юзага келди. Шу давр ичида Ўзбекистон врачлар ассоциацияси нуфузли хорижий ташкилотларнинг, жумладан Жаҳон тиббиёт ассоциацияси ва Европа тиббиёт ассоциацияларининг форумига аъзо бўлди. Абдулла Маткаримовичнинг бевосита ташаббуси ва бошчилигида Европа тиббиёт ассоциациялари ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Форуми 2016 йил 10-12 март кунлари Марказий Осиё минтақасида илк бор, айнан Тошкент шаҳрида ўтказилди. Дунёнинг энг таниқли тиббиёт арбобларининг фикрича, Форум ўтган йилларда ўтказилган шу каби

Давоми 3-бетда ▶

ҲАМОҲАНГ БЎЛГАН ИНСОН ЭДИ...

Давоми. Боши 2-бетда

анжуманлар орасида ташкилий ва илмий-амалий жиҳатдан энг юкори савияда ўтказилган йиғилиш, деб тан олинган.

Абдулла Худайбергеновнинг бевосита ташаббуси билан 1995 йилда «Ўзбекистон врачлар ассоциацияси бюллетени» журнали таъсис этилди ва 22 йил давомида Абдулла Маткаримович ушбу журналга бош муҳаррирлик вазифасини ҳам бажарди. Олим журнални республикамиз шифокорлари ва олимлари тан олган салмоқли илмий-амалий жур-



налга айлантирди. Абдулла Худайбергенов бошчилигида 2010 йилдан бошлаб, Ўзбекистон врачлар ассоциацияси қошида масофавий таълим йўналиши ташкил этилди. Мустақил экспертиза маркази тузилди, этика ва фахрий врачлар кўмиталари фаол ишлади. Бир неча бор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг ижтимоий буюртмалари ва грантлари амалиётга жорий қилинди. Профессор Абдулла Худайбергеновнинг меҳнатлари Ҳукумат томонидан юкори баҳо-

ланиб, давлатимизнинг учта энг юксак орденлари билан тақдирланган.

– Устозимиз Абдулла Худайбергенов раҳбарлигида тиббиёт ҳамжамияти ва соғлиқни сақлаш тизими ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг замонавий моделининг асослари яратилди, жумладан, шифокорларнинг профессионал ассоциацияси механизмларини ишлаб чиқилди, тиббиёт ҳамжамиятининг ислохотларини муҳокама қилиш ва амалга оширишда иштирок этилди, узлуксиз тиббий таълим ёндашувлари жорий қилинди, профессионал тажриба ва ўзини ўзи бошқариш амалиёти шакллантирилди. Шунингдек, ассоциа-

ция бутун мамлакат бўйлаб ўн минглаб шифокорларни бирлаштирди, ҳудудий ва ихтисослашган тузилмаларни шакллантирди ва халқаро профессионал мулоқот иштирокчисига айланди. Ассоциация фаолияти шифокорларнинг малакасини ошириш ва илмий ва амалий базани ривожлантиришга қаратилган эди. Жумладан, таълим ва ил-

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Ўзбекистон тиббиёти ривожини янада юксалтиришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган тиббиётимиз дарғалари кўпчилигини ташкил этади. Ана шундайлардан бири бугунги қаҳрамонимиз Ўзбекистон врачлар Ассоциациясининг асосчиси ва биринчи раиси, профессор Абдулла Маткаримович Худайбергенов ҳам тиббиётимизнинг фидойи инсонларидан бири бўлиб қалбларимизда мангу барҳаётдирлар.

Ибодат СОАТОВА.

мий платформалар яратилди, тиббиёт ҳамжамиятининг наириёт фаолияти ривожланди, масофавий ўқитиш шакллари жорий этилди, клиник амалиётда тиббий этика ва деонтологиянинг ролини кучайтирилди. Ушбу йўналишлар ассоциациянинг ҳозирги фаолиятида устувор йўналиш бўлиб келмоқда. Бунинг баробарида халқаро тиббиёт ҳамжамиятига интеграция, тажриба ва энг яхши амалиётлар алмашинуви, халқаро форумлар ва профессионал платформаларда иштирок этиш йўлга қўйилди. 2016 йилда Тошкентда Халқаро тиббиёт ассоциациялари Форуми ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ўтказилиши муҳим воқеа бўлди. «Ўзбекистон тиббиёт ҳамжамияти учун Абдулла Маткаримович Худайбергенов номи нафақат тарихнинг бир қисми, балки профессионал қадриятларнинг пойдеворидир. Устозимиз тиббиёт ҳамжамиятининг ривожланиши бугунги кунда ҳам асос бўлган тамойилларни яратди: профессионал бирдамлик, беморлар олидаги масъулият ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришда фаол иштирок этдилар. Эндilikда бизнинг вазифамиз устозимиз Абдулла Маткаримович қолдирган бой меросни фаолиятимизда татбиқ этиб, унинг бардавомлигини келгуси авлодларга ҳам етказиш муҳим, – дейди Ўзбекистон врачлар ассоциацияси раиси Зафар Сидиков.

Ноёб операция

5 Ёшли боланинг ҳаётини сақлаб қолинди

Ўтган йили тасодифан касулик сода ишқорини ичиб қўйган 4 ёшли Умаржон Абдураззоков қизилўнғачнинг чандикли торайиши туфайли вақт ўтиб умуман овқатлана олмай қолганди.

Шундан сўнг жажжи бемор Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказига олиб келинди. Дастлаб унинг ошқозонига махсус найча ўрнатилиб, муаммо вақтинчалик бартараф этилди. Кейинги

боскичда унда мураккаб операция ўтказилиши зарурлиги Умаржоннинг яқинларига тушунтирилди.

Бирок ота-она фарзандини хорижда даволатишга қарор қилди. Аммо чет эл клиникасида ўтказилган амалиётдан сўнг ҳолат янада жиддийлашди.

Умаржон яна Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказига келтирилди. Аниқланишича, хорижда опе-

рация вақтида болакайда қизилўнғач ошқозоннинг ўзидан ясалиб, яъни ошқозон юқорига кўтарилиб, қизилўнғач қолдигига улаб қўйилган. Оқибатда ушбу “янги” трансплантант юракка босим ўтказиб, уни сиқиб қўйган.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Ҳабибулла Оқилов бошчилигидаги мутахассислар томонидан ўтказилган операция қарийб 5 соат давом этди. Юртимизда



илк бор бажарилган ушбу ўта мураккаб амалиётда ошқозон қайта жойлаштирилиб, йўғон ичакдан янги қизилўнғач ша-

клантирилди. Ҳозир боланинг аҳволи яхши. Шу кунларда оиласи бағрига қайтади.

@ssvuz

Касаба уюшмалари фаолиятдан

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ

Очигини айтганда, касаба уюшмалари ҳақида сўз юритилганда, айрим ҳолларда инсонлар кўз олдига санатория ва болалар оромгоҳларига йўлланмалар берувчи ташкилот гавдаланиши сир эмас. Лекин аслида бу эскича фикрлаш ёки замонавий касаба уюшмалари ҳақида эмас. Тўғри, биз касаба уюшмалари, ходимлар, уларнинг яқин қариндошларини санатор-курорт даволаш ишлари ёки уларнинг фарзандларини болалар оромгоҳларида соғломлаштириш масалалари билан ҳам шуғулланамиз. Лекин, бу фаолиятимизнинг энг асосий йўналишлари эмас. Бугун Янги Ўзбекистоннинг Янги касаба уюшмалари чин маънода ишчи-ходимларнинг ҳақиқий ҳимоячиси, таянчи сифатида шаклланиб улгурди.

М аълумки, асосий Қомусимиз - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 73-моддасида “Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар” дея касаба уюшмаларининг асосий фаолият йўналишлари белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонун ҳам касаба уюшмаси фаолиятининг асосий йўналишлари ва ҳуқуқий асосларини белгилаб берган. Конституциямизда белгиланган ходимлар манфаатларини

ва ташкилотлар иш берувчилари билан жамоа шартномалари тузганлар. Ушбу келишувлар ва шартномаларда ходимларга нисбатан амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёз ва кафолатлардан ташқари, томонларнинг ўзаро келишувлари орқали ходимлар манфаати йўлида қонун ва меъёрий ҳужжатларда белгиланмаган ёки белгиланганидан кўра кўпроқ қўшимча имтиёз ва кафолатлар қўллашни назарда тутувчи кўплаб бандлар киритилишига эришилган. Масалан, охириги 5 йил давомида жамоа шартномалари орқали ходимлар учун маблағ йўналтирилган сарфланиши билан боғлиқ бандлари



ифода этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўз аъзоларининг манфаатларини ифода этган ва кўзлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Дори-дармон» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қошидаги «Санатор-курортлар Бош бошқармаси» Унитар корхонаси, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти каби ташкилотлар билан тармоқ жамоа келишувлари тузишга эришган. Шунингдек, ушбу келишув асосида тармоқ касаба уюшмасининг ҳудудий кенгашлари томонидан ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси билан ҳудудий тармоқ жамоа келишувлари, барча бошланғич ташкилотларимиз ўзининг ижтимоий шериклари бўлган корхона

бўйича 2021 йилда 7 миллион 206 минг сўм, 2022 йилда 7 миллион, 893 минг сўм, 2023 йилда 9 миллион. 22 минг сўм, 2024 йилда 10 миллион. 387 минг сўм, 2025 йил якуни бўйича ҳар бир ходимга нисбатан 11 миллион. 500 минг сўмни ташкил этган бўлса, бевосита ходимлар манфаати йўлида амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларда белгиланмаган ёки белгиланганидан ҳам кўра кўпроқ қўшимча имтиёз ва кафолатларни қўллаш орқали 2021 йилда 3 миллион.902 минг сўм, 2022 йилда 4 миллион.371 минг сўм, 2023 йилда 5 миллион. 26 минг сўм, 2024 йилда 5 миллион. 345 минг сўм, 2025 йил якуни бўйича эса 5. 500 минг сўмни ташкил этди.

Ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида фаолиятимизни амалга ошириш учун 2021 йилдан тизимда касаба уюшмаси меҳнат инспекциясини ташкил этдик. Бугунги кунда Республика Кенгашида Бош меҳнат ҳуқуқ ва Бош меҳнат техник инспектори,



Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда Республика Кенгашининг меҳнат ҳуқуқ ва меҳнат техник инспекторлари лавозимлари жорий этилган. Инспекция ўз фаолиятини тиббиёт муассасаларда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши масаласи бўйича режали тарзда жамоатчилик тартибда муассасаларда ўрганишлар ўтказиш ҳамда аъзолардан келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш орқали амалга оширади. Инспекция ташкил этилган кундан бошлаб 2025 йил якунига қадар корхона ва муассасаларда режали ўрганишлар ўтказилди ва ишчи-ходимларни меҳнат ҳуқуқларининг бузилганлик ҳолатлари аниқланди. Қўрилган чоралар натижасида 483 минг 157 нафар аъзоларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатлари тикланишига эришилди, улар фойдасига 105 миллиард. 174 млн. сўм маблағ ундириб берилган. Бундан ташқари, 5 йил давомида меҳнат инспекцияси томонидан ходимлардан келиб тушган 6 минг 470 та мурожаатлар ўрганиб чиқилди. Мурожаат қилган 69 минг 486 нафар ходимларни меҳнат соҳасидаги бузилган ҳақ-ҳуқуқлари тикланган ва улар фойдасига 86 миллиард. 977 миллион сўм ундирилган.

Жамоатчилик назорати тартибда ўрганишлар ва қилинган мурожаатларни кўриб чиқиш давомида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан иш берувчилар номига 5 йил давомида 4 минг 274 марта кўрсатма хатлар киритилган. Бу кўрсатмалар ижроси таъминланиши натижасида 507 минг 467 нафар ходимларнинг ҳуқуқи тикланган, уларга иш берувчилар ҳисобидан 155 миллиард 924 миллион сўм маблағ ундириб берилган. Ўз вақтида ижро этилмаган кўрсатма хатлар бўйича 1 минг 999 марта судларга даъво аризалар киритилган ва судлар орқали 18 минг 570 нафар ходимларнинг ҳуқуқи тикланган ҳамда улар фойдасига 35 миллиард 952 миллион сўм миқдорда маблағлар ундирилган. Умуман олганда, ўтган давр давомида тармоқ касаба уюшмаси меҳнат инспекцияси томонидан 552 минг 643 нафар ходимларнинг бузилган меҳнат ҳуқуқлари тикланган,

улар фойдасига жами 242 миллиард 902 миллион сўм ундириб берилишига эришилди. Биргина, ўтган 2025 йил давомида меҳнат инспекцияси томонидан 613 марта муассаса ва ташкилотларда жамоатчилик назорати тартибда режали тарзда ўрганишлар ўтказилган. Ўтказилган ўрганишлар давомида ходимларни қонуний ҳуқуқлари бузилиш ҳолатлари аниқланиб, қўрилган чора-тадбирлар натижасида 94 минг 638 нафар ходимларнинг ҳуқуқлари тикланган ва уларнинг фойдасига 26 миллиард 787 миллион 430 минг сўм ундириб берилган. Касаба уюшмаси аъзоларидан келиб тушган 1 минг 187 та мурожаатларни ўрганилиши жараёнида ҳуқуқлари у ёки бу кўринишда бузилган 27 минг 943 нафар ходимларнинг меҳнат ҳуқуқи тикланиб, уларнинг фойдасига 34 миллиард 860 миллион 469 минг сўм ундирилишига эришилди. Судларга 432 та даъво ва буйруқ тартибда аризалар белгиланган тартибда киритилиб, 14 минг 467 нафар ходимларнинг ҳуқуқи тикланди ва уларнинг фойдасига 11 миллиард 254 миллион 658 минг сўм маблағ ундириб берилган. Умуман, ўтган 2025 йилнинг ўзида тармоқ касаба уюшмаси меҳнат инспекцияси томонидан жами 122 минг 581 нафар ходимларнинг бузилган меҳнат ҳуқуқлари тикланиб, уларнинг фойдасига 61 миллиард 647 миллион 900 минг сўм маблағ ундириб берилишига эришилган.

Булар: меҳнат шартномаларининг қонунга мувофиқлаштирилиши натижасида 453 нафар, ишга қабул қилишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши таъминлаш натижасида 217 нафар, меҳнат шартномасини ўзгартиришнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши таъминлаш натижасида 130 нафар, иш вақти, дам олиш вақти, меҳнат таътиллари бўйича белгиланган талабларга риоя қилинишини таъминлаш натижасида 1 414 нафар, меҳнатга ҳақ тўлаш шартларини таъминлаш оқибатида 5 063 нафар, кафолатли тўловлар ва компенсация тўловларининг ундирилиши натижасида 409 нафар, интизомий жазони қўллаш, хизмат текширувини ўт-

■ Касаба уюшмалари фаолиятдан

ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИМИЗДА

◀ Давоми. Боши 4 –бетда



казиш тартибига риоя қилинишини таъминлаш натижасида 100 нафар, бахтсиз ҳодиса зарарини ундириш натижасида 7 нафар, тиббий кўрик компенсацияси натижасида 33 056 нафар, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш натижасида 2 417 нафар, иш ўринларини аттестациядан ўтказиш натижасида 4 169 нафар, ўтказилган иш ўринлари аттестацияси бўйича меҳнат таътиллари тикланганлар 11 073 нафар, шахсий химоя ва гигиена воситалари билан таъминлаш натижасида 26 514

нафар, зарарли шароитда ишловчилар учун сут ва шунга тенг бошқа озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш натижасида 587 нафар, меҳнат муҳофазаси бўйича ўқувдан ўтиши, йўл-йўрик олиши, билимлари текширилиши натижасида 581 нафар ва бошқа масалаларда 8 448 нафар ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тикланишига эришилган.

Таъкидлаш жоизки, тармоқ касаба уюшмаси Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси меҳнат инспекцияси ташкил этилганига унчалик

кўп вақт бўлмаган бўлсада, қисқа вақт ичида, нафақат мамлакатимизда, Марказий Осиё ёки МДХ давлатлари соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари ўртасида, балки ўз сафига 160 дан зиёд касаба уюшмаларини бирлаштирган Жамоат хизмати Интернационали Европа Федерациясига аъзо касаба уюшмалари миқёсида ҳам энг самарали фаолият юритаётган инспекция сифатида тан олинди. 2024 йил якунларига кўра, энг самарали фаолият юритаётган меҳнат инспекцияси сифатида Бош инспекторларимиз Франция ва Норвегиялик давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмаларининг илтимосига кўра ўз фаолияти ҳақида презентация қилиб берди. Бошқача қилиб айтганда, инспекциямизнинг ўз тажрибалари билан биз бу ютуқларни, давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз касаба уюшмалари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашлари, у киши томонидан илгари сурилаётган бугунги ислохотлар, Янги Ўзбекистоннинг Янги касаба уюшмалари фаолиятининг халқаро доирада тан олинishi деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, касаба уюшмамиз ўз фаолиятида аъзолардан келиб тушадиган мурожаатларга кўпроқ эътибор қаратмоқда. Илгари касаба уюшмасининг бошланғич ташкилотдан тортиб энг юқори ташкилотларигача бўлган мурожаатларнинг аксарият қисми санаторий ва оромгоҳларга йўлланмалар ажратишни

сўраб қилинган бўлса, эндиликда ҳолат мутлоқ ўзгарган. Яъни мурожаатларнинг деярли тенг ярми ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва меҳнат шароитлари бўлмоқда. Мисол учун, 2025 йилнинг ўзида тармоқ касаба уюшмасининг барча даражадаги органлари ва ташкилотларига аъзолар томонидан жами 206 минг 287та мурожаат келиб тушган бўлса, улардан 49 минг 512 таси ёки 24 фоизда моддий ёрдам сўралган, 33 минг 270 таси ёки 16 фоизи санатор-курортларга, 22 минг 960 таси ёки 11 фоизи болалар оромгоҳларига йўлланма ажратиш сўралган бўлса, 100 минг 545 таси ёки 49 фоизи касаба уюшмасининг асосий фаолият йўналишлари, яъни ҳуқуқий химоя, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий-иқтисодий масалалар масаласида қилинган мурожаатларни ташкил этгани ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Хулоса ўрнида айтишим жоизки, юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда биз ўз вазифамизни сидқидилдан бажаришимиз ва келгусидаги режаларимизни тўғри ташкиллаштириб, давр талаб этганидек, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда турмуш фаровонлиги йўлида астойдил хизмат қилишимиз зарур, деб биламан.

Фарҳоджон ХАНАПИЯЕВ.
Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси.

■ Ҳамкорлик ришталари

Москва шаҳри

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ХАЛҚАРО КОНФЕДЕРАЦИЯСИНING XII СЪЕЗДИ

Жорий йилнинг 17 апрель куни Москва шаҳрида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари Халқаро Конфедерациясининг (МКПРЗ) XII съезди бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Конфедерация фаолияти якунларини сарҳисоб қилиш ҳамда келгуси устувор йўналишларни белгилашда муҳим майдон бўлди.

Съезд давомида 2021 йил май ойидан 2026 йил апрель ойигача бўлган ҳисобот даврида Конфедерация фаолиятининг асосий масалалари кўриб чиқилди. Иштирокчиларга Ижроия кўмитасининг батафсил ҳисоботи тақдим этилди, унда амалга оширилган ишлар, ташаббуслар ва соғлиқни сақлаш ходимлари ҳуқуқларини химоя қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари акс эттирилди. Шунингдек, Тафтиш комиссияси фаолияти якунлари, жумладан молиявий-хўжалик фаолияти ва бошқарув органлари ишининг шаффофлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Кун тартиби доирасида амалдаги бошқарув органларининг ваколатларини тугатиш ва янги раҳбар органларни шакллантириш бўйича қарорлар қабул қилинди. Конфедерация Президенти, вице-президентлари ва Бош котиби сайланди, шунингдек Ижроия кўмитаси ва Тафтиш комиссиясининг янги таркиби тасдиқланди.

Съезднинг муҳим натижаларидан бири сифатида **Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Фарҳоджон Хананияев Конфедерация вице-президенти лавозимига сайланди.** Бу қарор Ўзбекистоннинг



халқаро касаба уюшмалари ҳамкорлигини ривожлантиришдаги фаол ўрни ва тармоқ касаба уюшмалари ҳаракатини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссасининг эътирофи бўлди. Шу билан бирга, аъзолик ва бошқа мол-мулкий бадалларни шакллантириш ҳамда тўлаш тартибига оид масалалар муҳокама қилинди.

Съезд Конфедерациянинг халқаро ҳамжиҳатлик тамойилларига содиқлигини, касаба уюшмалари ҳаракатини мустаҳкамлаш ва соғлиқни сақлаш ходимларининг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини химоя қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларни яна бир бор тасдиқлади.

■ Аҳоли саломатлиги муҳофазаси

ИНСОН ҚАДРИ – ТИББИЁТ

Мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва ҳаёт сифатини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Айниқса, сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар бу борада мутлақо янги босқични бошлаб берди.

Шрезидентимиз томонидан тиббиёт соҳасига қаратилаётган алоҳида эътибор натижасида замонавий тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш, уларнинг сифатини ошириш ва қамровини кенгайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда нафақат пойтахтда, балки ҳудудларда ҳам юқори технологияли тиббий хизматлар йўлга қўйилаётгани бу ислохотларнинг энг муҳим ютуқларидан бири ҳисобланади. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ҳам самарали фаолиятлар изчиллик билан олиб борилмоқда. Айниқса, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва ҳудудий филиалларида 150 турдаги янги технологиялар жорий этилди. Йилига 4500 нафар беморнинг пойтахт ва хорижий давлатларга бормасдан юқори технология ёрдам олиш имкони яратилди. Шундай мураккаб операциялар У.Халмуратов номидаги Республика кўп тармокли тиббиёт марказида амалга оширилиб, эндопротез қўйиш, буйрак кўчириш, жигар трансплантацияси каби юқори технологик жарроҳлик амалиётлари йўлга қўйилди. Соҳанинг энг сўнгги ютуқларини

ятида энг муҳим ютуқлардан бири бўлди.

Шунингдек, жорий йилнинг 5-12 апрель кунлари Нукус шаҳридаги Болалар миллий тиббиёт марказининг Оролбўйи минтақаси болалар касалликлари бўйича тиббиёт клиникасида "Табассум ҳада этамиз" ("Дарим улыбку") халқаро фонди иштирокида хайрия акцияси ўтказилди. Тадбир доирасида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами орасидан бир неча босқичда жажжи беморлар саралаб олинди. Дастлаб Болалар миллий тиббиёт маркази мутахассислари томонидан 2000 нафардан ортиқ ўғил-қизлар кўриқдан ўтказилди ва улардан 270 нафардан ортиги танлаб олинди. Ушбу болаларнинг ҳар бирида 40 йиллик тажрибага эга, жаҳоннинг машҳур пластик жарроҳи Ҳасан Байев то-

тақаси болалар касалликлари бўйича тиббиёт клиникасига ётқизилди. Хайрия акцияси доирасида жами 70 дан ортиқ беморларда жарроҳлик амалиётлари бажарилди. Муҳими, акция доирасида туғма танглай ва лаб кемтиги бўлган болаларда операциялардан ташқари бир қанча ноёб амалиётлар ҳам ўтказилди. Жумладан, кулоқ супраси бўлмаган бемор болаларда бу аъзо тиклаб берилди. Ушбу акциянинг гуруҳ раҳбари жаҳоннинг машҳур пластик жарроҳи Ҳасан Байев Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли буйруғи билан "Халқ саломатлиги посбони" кўкрак нишони билан тақдирланди.



ўзида жамлаган ушбу муассаса томонидан бугунги кунда илғор диагностика ва даволаш усуллари амалиётга жорий этилмоқда. Айниқса, жигар трансплантациясининг йўлга қўйилиши шифохона фаоли-

монидан тиббий текширувлар ўтказилди. Натижада улар орасидан жарроҳлик амалиётларини ўтказишга муҳтож кичик ёшли беморлар саралаб олинди, Болалар миллий тиббиёт марказининг Оролбўйи мин-

Таъкидлаш муҳимки, "Тез ёрдам" – замонавий тиббиётнинг энг муҳим йўналиши. Шу боис сўнгги йилларда ушбу хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш, уни замонавий автотранспорт воситалари билан таъминлаш, соҳа амалиётига илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Албатта, бундай янгиланишлар беморларга шифохонагача бўлган биринчи ёрдамни халқаро стандартларга мувофиқ тарзда кўрсатиш имконини бермоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги "Оққуш" мажмуасида "Тез тиббий ёрдамни ташкил этишнинг дол-

зарб муаммолари – 2026" мавзусида халқаро малакали мутахассислар иштирокида Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Унда тез ва шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги 300 нафардан ортиқ мутахассис, эксперт ва олимлар иштирок этди. Жумладан АҚШ, Россия Федерацияси, Корея, Туркия, Япония, Сингапур, Индонезия, Беларусь Республикаси, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаси каби 10 дан ортиқ хорижий давлат вакиллари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар экспертлари маърузалар қилиб, ўз тажрибалари, ютуқлари ва инновацион ечимлари билан ўртоқлашди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика тез тиббий ёрдам маркази директори Абдувоитжон Ғафуров "Ўзбекистон Республикасида тез тиббий ёрдам хизматини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялар", И. Павлов номидаги Биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети ректори, Россия Фанлар академияси академиги, тиббиёт фанлари доктори, профессор Сергей Фёдорович Багненко "Россия Федерациясида шошилич тиббий ёрдам муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари", Республика шошилич

тиббий ёрдам илмий маркази Бош директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Даврон Тўлаганов "Шифохонагача бўлган босқичда ўткир юрак-қон томир ва сереброваскуляр касалликларга чалинган беморларни маршрутлаш", АҚШнинг Сент-Луисуниверситети стратегик ҳамкорлик бўйича директори, ушбу университет шифохонаси ортопедия бўлими мудир, тиббиёт фанлари доктори, профессор Жолдас Кулжанов "Омон қолишнинг асосий омили сифатида политравманинг шифохонагача босқичи: тизимли ёндашув", Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Мурат Курбанов "Қорақалпоғистон Республикасида тез тиббий ёрдам хизматини ривожлантириш истиқболлари" мавзуларида маъруза қилдилар.

Қайд этилганидек, аҳолининг ривожланган мамлакатларида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эришиш, энг аввало, аҳоли саломатлиги даражаси билан белгиланади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига (ИХТТ) аъзо мамлакатларда тез тиббий ёрдам тизимини рақамлаштириш 2021 йилда ўртacha 93 фоиздан ошди, 2012 йилда эса бу кўрсаткич 70 фоизни ташкил этган эди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш жараёнида рақамли трансформация, шунингдек, маълумотлар алмашинуви ва қоғоз тиббий ҳужжатларни рақамлаштириш, автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимларини жорий этиш, тез тиббий ёрдамда вертикал бошқарув тизимини ташкил этиш, "колл-марказлар"ни жорий этиш ва хизматнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш устувор вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон Рес-

ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ БОШ МЕЗОНИ

◀ Давоми. Боши 6 –бетда

публикаси Президентнинг тегишли қарори доирасида Республика тез тиббий ёрдам маркази ташкил этилиб, вертикал бошқарув тизими жорий этилди. Вертикал тизимга 103 хизматига кўнғироқларни қабул қилувчи 14 та филиал ва 14 та алоҳида "Салл-марказ," шунингдек, 184 та станция, 40 та подстанция ва 1 минг 489 та таянч пункти, шунингдек, 3 минг 987 та тез тиббий ёрдам машинаси ва 66 минг 802 нафар ходим бирлаштирилди. Бундан ташқари, тез тиббий ёрдам тизимини тўлиқ рақамлаштириш бўйича қатор вази-фалар белгиланди. Тез тиббий ёрдам хизматининг рақамли маълумотлар базасини бошқаришга услубий ёндашув асосида MedData 103 рақамли платформаси ишлаб чиқилган бўлиб, у беморлар, чакирувлар ва умуман хизмат фаолияти ҳақидаги маълумотларни реал вақт режимида йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш имконини кенгайтиради. Ушбу илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида MedData 103 платформаси беморлар ҳақидаги маълумотларни, тиббий статистикани йиғиш ва таҳлил қилишни автоматлаштириш ҳамда қарор қабул қилиш жараёнини рақамлаштириш имконини берди. Дастурий таъминот реал вақт режимида маълумотлар алмашинуви, визуал назорат, тизимли таҳлил ва мослашувчан бошқарувни таъминлади. 14 та ягона рақамли колл-марказнинг ташкил этилиши нати-жасида кўнғироқларни қабул қилиш вақти 6-8 дақиқадан 1-2 дақиқাগача, кўнғироқларни бригадаларга йўналтириш вақти 10-20 дақиқадан 1-2 дақиқাগача, тез ёрдам бригадасининг етиб келиш ва ёрдам кўрсатиш вақти 20-30 дақиқадан 12-15 дақиқাগача, кечикишлар эса 15 фоиздан 8-9 фоизгача қискарди. 2025 йилда мамлакатимиз бўйича 14,6 миллиондан ортиқ кўнғироқ қайд этилган бўлиб, улардан 14,3 миллионига хизмат кўрсатилган. Шундан 10,2 миллион кўнғироқ (71 фоиз) шошилинч кўрсатмалар, 3,8 миллион кўнғироқ сурункали касалликлар асорати (27 фоиз), 100 мингдан ортиқ кўнғироқ хомиладорлик ва туғруқ патологияси (1 фоиз), 124,5 минг кўнғироқ беморларни шифохоналар ўртасида ўтказиш (1 фоиз) билан боғлиқ бўлиб, жами кўнғироқларнинг 1,4 миллиони (10 фоиз) беморларни шифохона-

ларга ётқизиш билан яқунланган. Нозологик таснифга кўра, жами кўнғироқларнинг 6,4 миллиони (45 фоиз) юрак-қон томир касалликлари, 1,7 миллиони (12 фоиз) нафас йўллари касалликлари, 1,1 миллиони (8 фоиз) асаб тизими касалликлари ва 4,3 миллиони (35 фоиз) турли сурункали, мавсумий ва бошқа касалликлар билан боғлиқ бўлган.

Аҳоли ўртасида ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуля-р касалликларни барвақт аниқлаш, уларга кўрсатилган тиббий хизматларни янги босқичга олиб чиқиш орқали эрта ўлим ва ногиронлик холатларини камайтириш, беморларни соғломлаштириш ҳамда реабилитация қилиш тизимини яратиш, шунингдек, аҳолига кардиологик ва неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 20 январда "Ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуля-р касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда тез тиббий ёрдам хизматига қатор вази-фалар белгиланган, яъни бригадалар сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш имкониятига эга бўлган телеметрик электрокардиографлар ва мониторли дефибрилляторлар билан жиҳозланади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2026 йил 1 мартга қадар Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида, 2026 йил 1 сентябрга қадар босқичма-босқич Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда тез тиббий ёрдам хизмати ходим-



сатиш бўйича қисқа ва узок муддатли малака ошириш курсларида ўқитиш, халқаро стандартлар асосида беморларнинг клиник маршрутларини (clinical pathways) амалиётга жорий этиш, шунингдек, тез тиббий ёрдам салл-марказларида "Кардиология постлари"ни ташкил этиш йўлга қўйилади. Илмий-амалий конференцияси доирасида "Шифохонагача босқичда таранг пневмотораксда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишининг



жамоалар беллашди. Мусобақалар жараёнида иштирокчилар биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, юрак-ўпка реанимациясини амалга ошириш, йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланганларга ёрдам бериш каби муҳим йўналишларда ўз маҳоратларини намоён этдилар. Бу эса уларнинг касбий тайёргарлиги ва тезкор қарор қабул қилиш қобилиятини яққол кўрсатди. Яқунларга кўра, 3-ўрин Қозоғистон Республикаси жамоаси ва Фарғона вилояти филиалига, 2-ўрин Беларусь жамоаси ҳамда Қорақалпоғистон филиалига насиб этди. Фахрли 1-ўрин эса Россия Федерациясининг Уфа шаҳри жамоаси билан бир қаторда Самарқанд вилояти филиали жамоаси томонидан қўлга киритилди. Ҳолилар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди.

Шунингдек, конференция якунида тез тиббий ёрдам тизимидаги намунали ва фаол ходимлар «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси», «Республика тез тиббий ёрдам хизмати аълочиси» кўкрак белгилари ва «Ташаккурнома»лар билан тағдирланди.

Гулзар ДЖУМАГУЛОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати бош мутахассиси.



ларини - ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуля-р касалликларни ташхислаш (инфарктда ЭКГ-телеметрия, инсультда FAST алгоритми ва бошқалар), беморларда тромб эритувчи муолажаларни ўтказиш ҳамда шошилинч тиббий ёрдам кўр-

инновацион асосланиши (клиникэкспериментал тадқиқот)", "Канвон провинциясида травматологик ёрдам тизимида сифатни бошқариш тизими: шифохонагача босқичдаги травматологик ёрдамга урғу", "Бош мия жароҳатини госпиталгача босқичда юритиш:

Америка Қўшма Штатларидаги EMS (ALS) баёнлари ёндашуви", "Замонавий рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда Қирғизистон Республикаси тез тиббий ёрдам хизматини ривожлантиришнинг стратегик йўналишларига" бағишланган мавзулар бўйича секцияларда ўзаро тажриба алмашувлари олиб борилди.

Конференция доирасида ўтказилган "Энг яхши тез тиббий ёрдам бригадаси" халқаро кўрик-танловида жами 19 та жамоа иштирок этди. Улар орасида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари билан бир қаторда Қорақалпоғистон ва Андижон тиббиёт институтлари ҳамда Россия (Уфа), Беларусь (Минск) ва Қозоғистон (Семей) шаҳарларидан келган

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ СТРАТЕГИК ТАШАББУСЛАР ЯНГИ БОСҚИЧДА

Жорий йилнинг 8-10 апрель кунлари Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар онкологларининг II Конгресси бўлиб ўтди

◀ Давоми. Боши 1-бетда

Шунингдек, ушбу ташриф доирасида икки давлат соғлиқни сақлаш вазирлари учрашиб, қатор истикболли келишувларга эришилди. Бу галги мулоқотда юртимизда янги даволаш муассасаларини қуриш, тиббий таълим ва менежментни ривожлантириш, кадрлар малакасини ошириш каби йўналишларда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар ҳақида сўз борди. Ўзбекистон томони туркиялик экспертлар иштирокида қатор ихтисослаштирилган марказлар ва тиббиёт олий




Ўзбекистон ва Туркия соғлиқни сақлаш вазирлари Самарқанд кардиология марказида бўлди.

Мазкур анжуман доирасида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худаяров ва Туркия Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Кемал Мемишоғлу янги Рақамли соғлиқни сақлаш маркази ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиалларига ташриф буюрди. Дастлаб меҳмонлар рақамлаштириш марказида бўлиб, юртимизда жорий этилаётган замонавий рақамли дастурлар ҳақида атрофича маълумотларга эга бўлди. Хусусан, бу ерда DMED

шарт-шароитлар кўздан кечирилди.

Туркия делегацияси Бухоро шошилинч тиббий ёрдам маркази фаолияти билан танишди.

Туркия Соғлиқни сақлаш вазири Кемал Мемишоғлу бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худаяров ҳамроҳлигида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро вилояти филиали фаолияти билан танишди. Қайд этиш керак, ушбу муассаса ҳудуддаги йирик ва кўп тармокли шифохоналардан бири ҳисобланади. Бу ерга ўтган йили 124 мингга яқин фуқаро мурожаат қилган. Улардан 38,5 минг нафардан ортиги стационар



ўқув юртралида ўтказилган маҳорат дарслари самарадорлигини юқори баҳолади. 100 нафардан ортиқ юртимиз тиббиёт ходимларининг Туркияда малака ошириши учун яратилган имкониятлар учун алоҳида миннатдорлик билдирилди. Тошкентда ишга туширилган замонавий Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида туркиялик мутахассислар иштирокида самарали менежмент тизими жорий этилиб, муассасага қардош мамлакатдан жалб этилган бошқарувчи К. Седат директор этиб тайинланганига алоҳида урғу берилди. Қолаверса, ҳозир давлат-хусусий шериклик асосида Тошкент давлат тиббиёт университети клиникаси базасида кўп тармокли шифохона ташкил этишга қаратилган умумий қиймати 500 миллион долларлик лойиҳани амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди. Шундан сўнг томонлар буйрак ва жигар трансплантацияси каби юқори технологияли операцияларни биргаликда амалга ошириш, тиббий кадрлар тайёрлаш, қўшма таълим дастурларини ишлаб чиқиш, шу йил якунига қадар учинчи Ўзбекистон-Туркия тиббиёт форумини ўтказиш юзасидан таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Мулоқотда вазир жаноблари Ўзбекистон билан соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорликни янада изчил ва юқори суръатда давом эттиришга тайёр эканлигини қайд этди.

Конгресс доирасида онкологик касалликларни илғор усуллар ёрдамида эрта ташхислаш, персоналлаштирилган ҳолда даволаш, молекуляр ёндашувлар ва мультидисциплинар бошқарув масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Чунки, бун-

дай хасталиклар – бутун инсоният учун глобал муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, сўнгги йилларда мамлакатимизда онкология хизмати тубдан модернизация қилинган. Жумладан, сўнгги 6 йилда бу соҳада Давлатимиз раҳбарининг 4 та қарори қабул қилинди ҳамда 16 та онкологик муассаса тўла таъмирдан чиқарилди. Кимё препаратларига 11 баробар кўп маблағ ажратилиб, таъминот бу даврда 13 фоиздан 97 фоизга етказилди. 250 нафардан ортиқ мутахассислар чет эл клиникаларида малака ошириб қайтди. 250 га яқин янги текшириш ва даволаш усуллари вилоят ва туман даражасига туширилди. Беморларнинг 80 фоизиди касаллик эрта босқичларда аниқланиб, уларни самарали даволаш чоралари қўрилмоқда. Энг аҳамиятлиси, Тошкентда халқаро талабларга мос онкология маркази ишга туширилиб, унда илғор диагностика ва муолажа усуллари, замонавий лаборатория, жарроҳлик, стационар, радиотерапия ва ядро тиббиёти хизматлари йўлга қўйилди. Марказ бошқарувига халқаро тажриба татбиқ этилиб, туркиялик мутахассислар иштирокида самарали менежмент тизими жорий этилди. Тадбирда Ўзбекистон, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғиз Республикаси ҳамда бошқа қатор давлатларнинг етук олимлари, соҳа экспертлари чиқишлари ўрин олган бўлиб, неоадьювант ва адьювант терапия, PD-L1 ингибиторлари, индивидуал даволаш стратегиялари ҳамда клиник қарор қабул қилиш алгоритмлари муҳокама қилинди.



электрон ахборот платформаси орқали мамлакатимизда шакллантирилган ягона рақамли инфратузилма имкониятлари, беморларни кузатиш, диагностика ва даволаш жараёнларини янада самарали ташкил этишга қаратилган илғор дастурий ечимлар намоиш этилди. Шундан сўнг вазирлар Кардиология маркази филиалининг Ўткир юрак-қон томир ва цереброваскуляр патология бўлими фаолияти билан танишди. Бу ерда инсульт ва инфарктни эрта аниқлаш, профилактика қилиш ҳамда даволаш борасида амалга оширилаётган ишлар тақдимот қилинди. Шу билан бирга, замонавий клиник протоколлар ва мультидисциплинар ёндашув асосида кўрсатилаётган тиббий ёрдам натижалари хусусида маълумот берилди. Якунда беморларнинг яқинлари учун ташкил этилган кутиш залида яратилган

даволанган. Қолаверса, филиалда 11 мингга яқин жарроҳлик амалиёти ўтказилиб, шундан 60 фоизини юқори технологияли операциялар ташкил этган. Делегация вакиллари бу ерда яратилган шароитлар ва замонавий имкониятларни юқори баҳоладилар. Шунингдек, меҳмонларга шифохонанинг моддий-техник базаси, мураккаб жарроҳлик амалиётларини бажаришда қўлланилаётган илғор усуллар хусусида маълумот берилди. Ўз навбатида, Туркия Соғлиқни сақлаш вазири муассасада жигар ва буйрак трансплантацияси каби ноёб амалиётларнинг йўлга қўйилганини алоҳида эътироф этди. Шу билан бирга, тиббиёт ходимларининг малакаси, беморларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати юксак даражада эканини таъкидлади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бу каби нуфузли даражада бўлиб ўтган конгресс замирида икки давлат аҳолисининг саломатлиги мужассам экан, албатта, тадбир доирасидаги икки давлат вазирларининг эзгу келишувлари ўз натижасини беришга ишончимиз комил.

Халқаро илмий-таълимий лойиҳа

ЁШ МУТАХАССИСЛАР ИЛМИЙ МАКТАБИ ЯНГИ БОСКИЧДА

2026 йил 8-12 апрель кунлари Самарқанд давлат тиббиёт университетида “Ш Ёш психиатр ва наркологлар баҳорги Самарқанд мактаби” бўлиб ўтди. Мазкур халқаро илмий-таълимий лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлан вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази, Жаҳон психиатрия ассоциацияси, Самарқанд давлат тиббиёт университети, Тошкент давлат тиббиёт университети ва Ўзбекистон психиатрлар ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мактабнинг асосий мақсади – ёш мутахассисларнинг касбий билими, амалий кўникмаси ва илмий салоҳиятини янада ошириш, уларни замонавий психиатрия, наркология ҳамда психотерапиянинг долзарб йўналишлари билан яқиндан таништиришдан иборат бўлди. Мактаб доирасида руҳий саломатлик хизмати ташкил этилиши, стратегик ислохотлар, бирламчи бўғинда идоралараро ёндашув, шизофрения ва биполяр аффектив бузилишларни ташхислаш ва даволаш, хавотир ҳамда кайфият бузилишлари, болалар психиатрияси, психофармакотерапия, психотерапия, наркологияда замонавий диагностик ва терапевтик йўналишлар, шунингдек, рақамли технологиялар ва сунъий интеллектнинг руҳий саломатлик соҳасидаги ўрни каби масалалар муҳокама қилинди. Бу эса Илмий Мактабни нафақат таълим майдони, балки янги ғоялар, клиник ёндашувлар ва халқаро тажриба алмашинуви платформасига айлантирди.

2026 йил 9 апрель Мактабнинг иккинчи кунининг биринчи ярмида тематик секциялар ва мастер-класслар ўтказилди, иккинчи ярмида эса пленар мажлис ва расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар куролларни назорат қилиш агентлиги директор ўринбосари, Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази директори, етакчи тиббиёт олийгоҳлари ректорлари ҳамда Жаҳон психиатрия ассоциацияси президент-электи, ҳамда Россия, Беларус ва Марказий Осиё давлатлари психиатрлар ассоциацияси президентлари иштирок этди.

Пленар дастурда руҳий саломатлик хизмати ислохотлари, психиатрия ва наркологиянинг рақамли трансформацияси, психофармакологиядаги замонавий ёндашувлар ва халқаро ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Шу кунни Жаҳон психиатрия ассоциациясининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё (10-зонаси)нинг брифинги ҳам ўтказилиб, 2027 йилда Ўзбекистонда ўтказилиши режалаштирилаётган Жаҳон психиатрлар ассоциациясининг минтақавий Конгрессига тайёргарлиги масалалари кўриб чиқилди. Ушбу йирик тадбир Марказ фаолиятининг бугунги мазмуни ва кўламини яққол намоён этди.

МАРКАЗ ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР

Сўнгги йилларда мамлакатимизда психиатрия, наркология, тиббий психо-



логия ва психотерапия хизмати тўлиқ трансформация қилиниб, ягона вертикал бошқарув тизими жорий этилди, хизмат кўрсатиш қамрови туманлар ва олис ҳудудлар даражасигача туширилди. Марказ доирасида ихтисослаштирилган психиатрик, тиббий-психологик ва наркологик ёрдам йўлга қўйилди, ҳудудлардаги руҳий ва наркология муассасалари эса ташкилий-методик жиҳатдан ягона тизимга бириктирилди. Марказнинг эришган ютуқлари ҳам эътиборга молик. Расмий маълумотларга кўра, марказ ва унинг ҳудудий филиаллари 30 турдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган, уларнинг умумий қиймати 46,1 миллиард сўмни ташкил этган. Жойларда 3 мингдан зиёд аҳоли мақсадли тиббий кўриқдан ўтказилган, 2 минг 700 нафардан ортиқ фуқаролар ўз вақтида даволанишга йўналтирилган. 2025 йилнинг ўзида телетиббиёт орқали 56 марта илмий семинар, клиник конференция ва ташкилий-услубий анжуманлар ўтказилган. Шу билан бирга, қарийб 120 нафар мутахассис илғор хорижий давлатларда малака оширган, уч йўналиш бўйича даволаш ва ташхислаш протоколлари ишлаб чиқилиб амалиётга татиқ этилган.

Илмий фаолиятдаги йўналишлар ҳам босқичма-босқич кенгаймоқда. Илмий Мактаб ва халқаро анжуманлар дастурида шизофрения, аффектив бузилишлар, болалар психиатрияси, психосоциал реабилитация, рақамлаштириш, сунъий интеллект, психофармакотерапия ва қўшма тадқиқотлар каби йўналишлар алоҳида ўрин олган. 2025 йилда ўтказилган “Руҳий саломатлик хизмати: ютуқлар ва истиқболлар” мавзусидаги II халқаро анжуман доирасида Марказ-



нинг илк илмий нашри “Психиатрия ва аддиктология фанлараро журнали” тақдим этилди, шунингдек, илмий муассасалар ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим ҳам имзоланди. Бу ҳолат марказ фаолиятида таълим, фан ва амалиёт интеграциясига устувор аҳамият берилаётганини кўрсатади. **Мазкур ислохотлар изчил ҳуқуқий асосга эга.** Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 майдаги ПҚ-244-сон Қарори билан аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, туман ва шаҳар даражасида наркологик хизмат қамровини кенгайтириш, тиббий психолог ва психотерапевт лавозимларини жорий этиш чоралари белгиланган бўлса, 2023 йил 19 июндаги ПҚ-196-сон Қарор билан руҳий саломатликни муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш, психиатрия ва наркология ёрдамнинг ягона вертикал бошқарув тизимини жорий этиш, руҳий саломатлик хизматларини бирламчи бўғинга интеграция қилиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Шунингдек, 2024 йил 6 майдаги ПФ-73-сон Фармон билан 2024–2028 йилларга мўлжалланган Миллий стратегия тасдиқланиб, соҳада йирик халқаро анжуманлар ва профилактик тадбирларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ-207-сон Фармон эса наркологик ёрдам ва реабилитация тизимига замонавий, жумладан инновацион клиник ёндашувларни жорий этиш учун янги имкониятлар яратди. Президентимиз топшириқлари ижроси доирасида ҳудудларда амалга оширилган ишлар ҳам амалий мазмунга эга. Жумладан, наркология хизмати бўйича барча ҳудудий филиалларда камида 6 ўринли реанимация ва 10 ўринли тиббий-ижтимоий реабилитация бўлимлари ташкил этил-

ди. Барча туман ва шаҳарлар марказий поликлиникалари таркибида нарколог штатлари жорий қилинди, амбулатор ва стационар бўлимларда тиббий психолог ва психотерапевт лавозимлари очилди.

Марказнинг келгусидаги режалари ҳам кенг қамровли. 2026 йил январь ойида аҳолига кўрсатилаётган наркологик хизматлар қамровини кенгайтириш мақсадида 24/7 режимда ишлайдиган замонавий Call-марказ хизмати ишга туширилди. У орқали фуқаролар ва уларнинг яқинлари махфийлик кафолатланган ҳолда малакали маслаҳат олиш имкониятига эга бўлмоқда. Шу билан бирга, расмий ахборотларга кўра Президент Қарори лойиҳаси тайёрланмоқда ва унга кўра, 2027 йил 1 январдан Руҳий саломатлик миллий тиббиёт маркази ва унинг 14 та ҳудудий филиалларини қайта ташкил этиш, кўп тармоқли марказий поликлиникаларда бирламчи руҳий саломатлик бўлимларини шакллантириш режалаштирилган. Бу эса соҳадаги ислохотларнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлиши кутилмоқда.

Самарқандда ўтказилган III баҳорги илмий мактаб айнан шу кенг кўламли жараёнларнинг амалий ифодаси бўлди. У ёш мутахассисларнинг билим ва маҳоратини ошириш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, илмий тафаккурни рағбатлантириш ва руҳий саломатлик соҳасидаги ислохотларни жойларда чуқурроқ татиқ этишга хизмат қилувчи муҳим майдон сифатида намоён бўлди. Бугунги кунда Марказ нафақат ихтисослаштирилган тиббий муассаса, балки таълим, фан, амалиёт ва замонавий бошқарувни бириктираётган таянч тузилма сифатида шаклланиб бормоқда.

Зарифжон АШУРОВ,
Республика ихтисослаштирилган
руҳий саломатлик илмий-амалий
тиббиёт маркази директори.

■ Ҳисобот

ЭЗГУЛИКНИНГ БАРДАВОМ МАНЗИЛЛАРИ

Жорий йилнинг февраль ойида академик С. М. Бахрамов номидаги Ўзбекистон Республикаси “Анемия ва лейкомия” хайрия жамоат фонди Васийлик кенгаши ва Бошқарувнинг қўшма ҳисобот мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис кун тартиби бўйича Ўзбекистон Республикаси “Анемия ва лейкомия” хайрия жамоат фонди бошқарув раиси вази фасини вақтинча бажарувчи Мухтор Рузиев Фонднинг 2025 йилдаги фаолияти ҳақида ҳисобот берди. Таъкидланганидек ўтган 2025 йилда юридик ва жисмоний шахслардан иборат ҳомийларни кенг жалб этиш бўйича режалар ишлар олиб борилиши натижасида жами 12 тадан ортиқ юридик ва жисмоний шахслардан иборат ҳомийлар ҳисобидан 500,95 миллион сўмлик хайрия ёрдами жалб этилди. Шу билан бирга, беморларга кўрсатилган моддий ёрдамларда республикамизда фаолият олиб бораётган корхона ва муассасалардан ташқари, саховатпеша инсонларнинг ҳам ўрни бекиёслиги, улар туфайли фонд томонидан кўрсатилаётган моддий-маънавий кўмаклар тури ва ҳажми кўпайиб, қон касаллиги билан хасталанган кам даромадли, ижтимоий ҳимояга муҳтож беморлар, турли тоифадаги ногиронлар, айниқса, болаларни янада кўпроқ камраб олишга эришилаётганлиги алоҳида эътироф этилди. Хусусан, ўтган 2025 йил давомида фондмиз томонидан 416,53 миллион сўмдан зиёд

ҳомийлик ёрдамлари тарқатилган.

Ҳомийлик ёрдамлари қуйидагича тақсимланган:

Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказида доволанаётган беморлар учун 828,8 минг сўмлик дори-дармон, 78,0 миллион сўм закот пуллари берилди. Шунингдек, мазкур тиббиёт марказига 2023-2025 йиллар давомида 1,0 миллиард сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида доволанётган бемор болаларга 36,0 миллион сўмлик закот пуллари тарқатиб берилган бўлса, 2023-2025 йиллар давомида 283,6 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами амалга оширилди. Тошкент вилоят болалар тиббиёт марказидаги беморларга 2,24 миллион сўмлик дори-дармон, 24,0 миллион сўм закот пуллари, шаҳар 3-сон болалар клиник шифохонасидаги беморларга 5,4 миллион сўмлик дори-дармон, 22,0 миллион сўм закот пуллари, Ибн Сино номидаги 1-сон шаҳар клиник шифохонасидаги беморларга 767,2 минг сўмлик дори-дармон, 14,0 миллион сўм закот пуллари тарқатилди. Бундан ташқари,

Болалар миллий тиббиёт марказига қарийиб 2,88 миллион сўмлик, Республика қон қуйиш марказига 3,15 миллион сўмлик, Ибн Сино жамоат фондида 6,0 миллион сўмлик, “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш” газетаси таҳририятига 3,15 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Ўтган 2025 йил давомида 17 нафар аризагининг пластик карталарига фонд ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан 73,3 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ушбу аризалардан ташқари фондга мурожаат этган яна 21 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож мурожаатчига 49,1 миллион сўм маблағ (закот) тарқатиб берилди. Кейинги 3 йил (2023-2025й) ичида тарқатилган ҳомийлик ёрдамнинг миқдори 1 937,2 миллион сўмни ташкил этди. Бугунги кунда фонднинг Устав вази фасинини амалга ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида 12 та филиал фаолият олиб бормоқда. Ўтган 2025 йили филиалларни ишини ўрганиш, уларга иш юритишда кўмак бериш мақсадида фонднинг Бухоро вилоят филиалига хизмат сафари уюштирилди. Амалга оширилаётган ишлар кўлами таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар қабул қилинди. Ҳисобот даврида филиалларга қарийиб 95,75 миллион сўмлик хайрия ёрдамлари кўрсатилди. Фонд ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирилик, Республика ихтисослаштирилган гема-

тология илмий-амалий тиббиёт маркази, Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази, Республика қон қуйиш маркази, Болалар миллий тиббиёт маркази, Республика гемофилия жамияти, “Ибн Сино” жамоат фонди, “Экосан” ХЖФ, ННТ миллий ассоциацияси, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирилик, Тошкент шаҳар, Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё, Самарқанд, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари соғлиқни сақлаш бош бошқармалари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ҳозирда “Анемия ва лейкомия” хайрия жамоат фондмиз турли муассаса ва ташкилотлар билан 10 дан ортиқ Баёнотлар (меморандумлар) имзолаган.

Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида чет эллик Abbot Laboratories GmbH ва ORVILLE SERVICES LLP компанияларининг маблағлари ҳам жалб этилмоқда.

Мажлис давомида берилган ахборот ва таклифларни инобатга олиб, Фонд Васийлик кенгаши ва Бошқарувнинг қўшма ҳисобот мажлиси тегишли қарорларни қабул қилди.

**Мухтор РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
“Анемия ва лейкомия” хайрия
жамоат фонди бошқарув раиси
вази фасини вақтинча бажарувчи.**

■ Болалар тиббиёт марказида

Тошкент вилояти

СОҒЛОМ АВЛОД – МИЛЛАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Таъкидлаш муҳимки, кейинги йилларда Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасига ниҳоятда катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, фарзандларимиз саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятлар таҳсинга лойиқдир. Бугунги кунда пойтахтимиз ва ҳудудлардаги болалар тиббиёт марказларида бўлганингизда у ердаги шароит ва имкониятлар болажонларимиз соғлигини тиклашда муҳим аҳамият касб этаётганлигини кўраимиз. Шу жумладан, Тошкент вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ҳам ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.



Маълумки, Тошкент вилоятининг аҳолиси 3 108 500 нафарга тўғри келади. Шулардан болалар ва ўсмирлар (0-18 ёш) 1 045 666 нафарни ташкил этади. Худудимизда истиқомат қилаётган болалар ва ўсмирларга 85 нафар шифокор ва 325 нафар ҳамширалар сифатли тиббий хизмат кўрсатишади. Бунинг баробарида 156 нафар кичик тиббиёт ходимлари ҳамда 37 нафар хизмат кўрсатувчи ходимлар ҳам меҳнат қилишади. Раҳбар сифатида айти-

шим лозимки, ишнинг асосий сифатини малакали кадрлар белгилаб беради. Шундай экан, марказда ўтган йил мобайнида 32 нафар шифокор малака оширди ва 1 нафар шифокор “Онкогематология” мутахассислиги бўйича қайта тайёрланди. 2 нафар шифокор Россия Федерациясида, 1 нафар шифокор Хитой давлатида, 1 нафар шифокор Корея давлатида малакасини бойитиб қайтди. Шу ўринда таъкидлашим

Давоми 11-бетда▶



■ Болалар тиббиёт марказида

Тошкент вилояти

СОҒЛОМ АВЛОД – МИЛЛАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

◀ Давоми. Боши 10–бетда

жоизки, бугунги давр талаби соҳа ходимларини янада изчиллик билан ишлашларини ва ҳар бир беморга тиббий муолажаларни самарали олиб боришларини, шу билан бирга сифатли тиббий хизмат кўрсатишни талаб этмоқда. Марказимиз тиббиёт ходимлари бу борада самарали ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Жумладан, ўтган йил давомида 12 минг 923 нафар беморлар даволаниб, 1 минг 407 нафар беморларда жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. Улардан 320 нафарида юқори технологик жарроҳлик амалиётлари олиб борилди. Шифо масканимизнинг маслаҳат ташхис поликлиникасига 147 минг 626 нафар беморлар қатновлари амалга оширилган. Шунингдек, марказ мутахассислари томонидан вилоятнинг 22 та шаҳар ва туманларида 4021 нафар фуқароларда чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ўтказилди.

Барчамизга маълумки, ўтган йилнинг октябрь ойида Чирчиқ шаҳрида жойлашган “Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилояти филиалида” дунёга келган Сиам эгизакларининг жарроҳлик амалиёти марказимиз хирурглари томонидан ҳамкорликда муваффақиятли амалга оширилди.

Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ишчи гуруҳи аъзолари томонидан ўзларига бириктирилган шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларига чиқиб жадвал асосида ўтган йил давомида 2230 маротаба мутахассисларимиз томонидан шаҳар ва туманларда амалий ёрдам кўрсатиш ҳақида Бектемир тумани

эди. Жорий йилнинг 7-11 апрель кунлари марказимизда Жанубий Кореянинг Сеул миллий университети стоматология клиникаси шифокорлари иштирокида хайрия жарроҳлик амалиётлари ўтказилди. Унда Тошкент вилоятида 15 нафар болажонлар лойиҳа доирасида профессор Бёунг Мо Сео раҳбарлигида мураккаб жарроҳлик амалиётлари олиб борилди. Аини пайтда болажонларимизнинг саломатликлари қониқарли. Албатта, бундай халқаро ҳамкорлик оилаларга хоризгга чиқмасдан туриб, юқори малакали тиббий хизмат олиш имконини бермоқда. Муваффақият бор жойда муаммо ва камчиликлар ҳам бўлади. Шу боис, худудимиз аҳолисига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратишни ташкил этиш бўйича юзага келган муаммолар



Кумовулда жойлашган “Ижтимоий химоя агентлиги Тошкент вилояти филиали”да ортопед, невропатолог, логопед, ЛОР мутахассислари томонидан ҳар ой реабилитацияга муҳтож ногирон болалар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Ўтган йили вилоятимизда оналик ва болалик масалаларига бағишланган халқаро илмий – амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбирда 19 нафар Россия ва 6 нафар Қозоғистон давлатларидан юқори илмий салоҳиятга эга бўлган олим, профессор ва фан номзодлари ҳамда соҳа ходимлари ташриф буюрдилар. Россия Федерациясидан ташриф буюрган 8 нафар фан номзодлари ҳамда профессорлар томонидан марказимизда даволанаётган бемор болалар малакали тиббий кўриқдан ўтказилди ва керакли тавсиялар берилди. Шунингдек, Жанубий Кореянинг Сеул миллий университети Стоматологик клиникаси профессорлари ҳамда малакали мутахассислари билан ҳамкорликда марказимизда “Лаб - танглай ёриғи (куён лаб ва бўри танглай) ва юз- жағ ривожланиш нуқсонлари” бор болаларни соғломлаштириш чоралари кўрилди. Тиббий кўрик натижаларига кўра, жарроҳлик амалиёти зарур бўлган болажонлар сараланиб, бепул жарроҳлик амалиётлари ўтказишлари режа қилинган

ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар вақти” амалий ишлар дастури доирасида вилоят ҳоқими Зоир Мирзаев топшириғига асосан 353 миллион сўм маблағ марказ учун ажратилди. Бунда марказ бўлимларида жойлашган барча ички хожатхоналар замонавий усулда таъмирланди. Шунингдек, 180 дан ортик лед лампалар ҳаракат датчиклар билан қўйилди, 10 та бўлим ички деворлари таъмирланди (1000 м2 дан ортик). Таъмир талаб полларни санитария кўмитаси ва Низомига асосан, 1 000 м2 метр ленолиум қилинди. Марказ ташқи худудига 2 та ва бинога кириш жойларига йўналтирувчи белгилар ўрнатилди, қабулхонада беморларни рўйхатга олиш бўйича янги меъёр қайта ташкил этилди, мурожатчилар учун ўриндиклар, кутиш жойлари ҳамда ички йўлақлар учун қўшимча 10 та ўриндиклар ташкил қилинди. Қабулхона ва поликлиникада алоҳида ўриндиклар ногиронлар ҳамда ҳомилдорлар учун махсус белгилар билан белгилаб қўйилди. 15 та ички хожатхоналар имконияти чекланган шахслар учун мослаштирилди ва гигиеник воситалар билан таъминланди. Шунингдек марказимизга 100 фойз янги ички локал тармоғи ўрнатилиб ва ишга туширилди. Қўшимча 50 донна ком-

пьютер марказни риволантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан сотиб олинди ва бўлимларга ўрнатилди. Марказнинг барча бўлимларида электрон маълумотлар берувчи мониторлар жойлаштирилди, ҳамда қабулхона ва марказий туман поликлиникасига навбат олиш тартиби йўлга қўйилди. Бугуннинг муҳим талаби бўлган рақамлаштириш доирасида ўтган йил давомида 12 минг 923 нафар беморлар Miss2SSV .uz дастурига киритилиб, статистик карталари шакллантирилди.

Юқорида амалга оширилган фаолиятлар давомида ўз ечимини кутаётган масалаларимиз, қолаверса, тақлиф асосида амалга оширилаётган ишларимиз кўп. Жумладан, болаларга тиббий ёрдам кўрсатиши барча даражаларида тиббий ёрдам сифатини ошириш бўйича олиб борилаётган ташкилий-услубий ишларни кучайтириш зарур. Болаларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштириш учун барча бўғинларда, шунингдек, йўналишдаги тиббиёт муассасалари билан ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Фарзандларимиз саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги тиббий ёрдам босқичларига асосланган даволаш стандартлари бўйича ёрдам кўрсатилишини таъминлаш. Бош педиатр, акушер-гинеколог ва маҳаллий тренер томонидан зарур бўлганда миллий тренерларни жалб қилган ҳолда ЖССТ/ЮНИСЕФ замонавий технологияларини жорий қилиш

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Президентимиз соҳа ходимларининг фаолиятини янада яхшилаш мақсадида меҳнатларимизни қўллаб-қувватлаб кенг имкониятлар яратиш келмоқдалар. Мақсад, инсонлар саломатлиги ва турмуш фаровонлигига эришишдан иборатдир. Шу билан бирга миллатимиз келажаги бўлган фарзандларимизнинг саломатлиги учун биз тиббиёт ходимлари Давлатимиз раҳбарининг ишончларини оқлаб, астойдил хизмат қилиш асосий бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз керак.

Саида МИРЗАРАҲИМОВА,

Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори.

мониторинги ва назоратини таъминлаш ҳамда бирламчи тизимда мутахассисларнинг билим кўникмаларини доимий равишда ошириш мақсадида ўқув семинарларини ташкил этиш муҳим. Яна бир муҳим масала: Чирчиқ шаҳар тиббиёт бирлашмасида болаларга туну-кун хизмат кўрсатадиган шошилич ҳамда режали бўлимларини ташкил этиш ҳамда педиатрлар сонини кўпайтириш ҳозирда энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Албатта, келгусидаги бу каби режаларимизни амалга оширишимиз учун биз соҳа мутахассисларини билим, тажриба ва узвий ҳамкорлик зарур деб ўйлайман.

Шу ўринда таъкидлашим муҳимки, бугунги давр талаби фаолият давомида ҳамкорлик борасида ўзаро тажриба алмашиш ишлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши табиийдир. Шундай экан, бугунги кунда республикамиз худудларида вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари фаолияти болажонларимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатиши ва замон талаблари даражасида даво муолажаларини олиб боришда ижобий кўрсаткичларга эришмоқда. Албатта, фаолиятларни янада самарали кечиши, шунингдек, ҳамкасблар ўзаро тажриба алмашишлари учун худудлардаги вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош врачлари кенгаши ташкил этилди. Болалар саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази услубий кўмагида бош врачлар кенгаши фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур кенгаш худудларда болаларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, бошқарув тизимини ривожлантириш ҳамда ислохотлар ижросини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, худудий марказлар ўртасида тажриба алмашиш ва илғор тиббий усулларни кенг жорий этиш режалаштирилган. Биринчи йиғилишимиз жорий йилнинг 20-21 март кунлари Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида бўлиб ўтди. Унда натижалар таҳлил қилиниб, устувор вазифалар белгиланди. Навбатдаги ўзаро тажриба алмашувимиз 2026 йилнинг 18-19 апрель кунлари Қашқадарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ўтказилиши режалаштирилган.

■ Ибн Сино жамоат фонди

ЭЗГУЛИК ВА ИНСОНИЙЛИК ЧЕГАРАСИЗ

Ибн Сино жамоат фонди 1999 йил 6 январь ПФ-2171-сонли Президент Фармонига асосан ташкил қилинган бўлиб, унинг асосий вазифаларидан бири соғлиқни сақлаш тизимида бўлаётган ислохотларга қўмаклашишдан иборатдир.

Ушбу вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Ибн Сино жамоат фонди ва унинг Тошкент вилояти ҳудудий филиали 2026 йилда бир қатор илмий ва ижтимоий йўналишлардаги лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирган. Жумладан, Сеул Миллий Университети Стоматология клиникаси (Жанубий Корея) билан 2025 йилда тузилган ҳамкорлик меморандуми асосида Тошкент вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида “Лаб ва танглай ёриги (қуён лаб ва бўри танглай) ривожланиш нуқсонлари” ташхислари билан Тошкент вилоятида истиқомат қилаётган болаларни 2026 йил февраль ойида Тошкент вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида бепул тиббий кўриқдан ўтказиб, беморларни саралаб олиб, уларга 7 апрелдан 11 апрелгача 22 та корейлик жарроҳлар то-

мутахассислари иштирокида хайрия жарроҳлик амалиёти бўлиб ўтди. Жараёнда “лаб ва танглай ёриги” (қуён лаб ва бўри танглай) ташхиси билан Тошкент вилоятида истиқомат қилаётган 15 нафар болажонларда мураккаб жарроҳлик амалиётлари бажарилди. Ундан ташқари, пойтахтда кам таъминланган ва нафақадаги 22 нафар фуқароларга бепул тиш



кузатилади. Бу асосан юзнинг лаб ва танглай қисми одатдаги кўринишдан фарқли шакланишида намоён бўлади. Бундай муаммоларни бартараф этишда замонавий тиббий хизматлар орқали болаларни соғломлаштириш имконияти кенгаймоқда. Шу мақсадда жорий йил бошида корейлик мутахассислар иштирокида ўтказилган хайрия тиббий кўриқлари давомида жарроҳлик амалиётига муҳтож болалар саралаб олинди. Мазкур саъй-ҳаракатларда барча ҳамкорларимизга миннатдорлик билдирамиз, – дейди Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Феруза Раҳматуллаева.



ган. Жараёнда ташкилотчилар томонидан ушбу хайрли ишларда ижтимоий тиббий хизмат кўрсатаётган, фаол иштирок этган инсонларга “Ибн Сино” мукофоти топширилди. Ушбу хайрия амалиётлари Ибн Сино жамоат фондининг Тошкент вилояти филиали томонидан ижтимоий шериклик доирасида Тошкент вилоят ҳокимлиги, Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази, ЕМУ Университети ва Сеул Миллий Университети Стоматологик клиникаси (Жанубий Корея) билан ҳамкорликда ўтказилди, – дейди Ибн Сино жамоат фонди Бошқаруви раиси Нозимхон Маҳмудов.

– Бунинг натижасида кўплаб бемор болалар тузалиши билан бирга, моддий ёрдам ҳам бўлади. Сабаби, авваллари бу турдаги тиббий муаммоларга даво топиш учун оилалар хориждаги шифохоналарга боришига тўғри келар эди. Амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар туфайли кўплаб ота-оналар энди бундай ортиқча вақт ва харажатлардан халос бўлди. Айрим оналарда ҳомиладорликнинг эрта босқичларида ўтказилган ўткир респиратор ҳамда турли юқумли касалликлар натижасида туғилган чақалоқларда туғма нуқсонлар

монидан мақсадли бепул 15 та тиббий жарроҳлик амалиётлар ва муолажалар орқали ижтимоий ёрдам берилди. Ундан ташқари кам таъминланган ва нафақадаги 15 та инсонларга бепул тиш протези ясаш ва қўйиш амалиётлари ўтказилди. Ушбу амалиётлар Ибн Сино жамоат фонди Тошкент вилояти филиали ташаббуси билан 2022, 2023 ва 2025 йиллар давомида ҳам муваффақиятли амалга оширилган ва 100 дан ортиқ болаларда жарроҳлик амалиётлари ўтказилган.

Жорий йилнинг 7-11 апрель кунлари Тошкент вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида Корея Республикасининг Сеул миллий университети стоматологик клиникаси

протези ясаш ва қўйиш амалиётлари ўтказилди.

Аввало, шу муносабат билан Тошкент вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси масъуллари, Ибн Сино жамоат фонди вакиллари, Сеул Миллий Университети Стоматология клиникаси профессорлари ва шифокорлар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мазкур ташаббуснинг аҳамияти, эришиладиган натижалар ва келгуси режаларга тўхталиб ўтилди. Жумладан, ушбу амалиётлар 2022, 2023 ва 2025-йиллар давомида ҳам муваффақиятли амалга оширилган ва 100 нафардан ортиқ болаларда жарроҳлик амалиётлари ўтказил-

Тошкент вилояти ҳокимлиги, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази томонидан кечки овқат ташкиллаштирилди ва эсдалик совғалар тақдим этилди. Ибн Сино жамоат фонди томонидан Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази раҳбарлари ва корейлик профессорлар нуфузли Ибн Сино мукофотлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Ушбу лойиҳа доирасида Ибн Сино жамоат фонди, Сеул Миллий Университети Стоматологик клиникаси ва ЕМУ Университети ўртасида кейинги йилларга ҳамкорлик режалари белгиланиб олинди.

2027 йилда ушбу корейлик ҳамкоримиз билан биргаликда 150 га яқин бепул тиббий жарроҳлик амалиёт ва муолажалар ва Биринчи Ўзбекистон-Корея илмий тиббий форумини ўтказиш масалаларини муҳокама қилдик.

Камола ТҶЛЯГАНОВА,
Ибн Сино жамоат
фонди Тошкент вилояти
филиали директори.

■ Касбий салоҳият

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР – СОҒЛОМ ЖАМИЯТ АСОСИ

Тошкент шаҳри аҳолиси соғлиғини сақлаш ишларида ўзининг камтарона ҳиссасини қўшганлар орасида ҳаётининг 54 йилини халқимиз саломатлиги йўлида бахшида этган Файзулла Юсуповнинг ҳам ўрни бор.

Бугунги глобал ўзгаришлар шароитида инсон саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш устувор вазифаларидан бирига айланмоқда. Шу боис мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш ҳамда тиббиёт ходимларининг касбий салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда юртимизда мазкур йўналишда кенг қўлланма ишлар амалга оширилди. Хусусан, соҳага ажратилаётган маблағлар ҳажми сезиларли даражада оширилди. Шу билан бирга, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, уларнинг профессионал билимлари ҳамда замонавий тиббиёт техникаси ва ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини мунтазам янгиланган боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республика ва жаҳон тиббиётидаги илғор ютуқларни амалиётга жорий этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, айниқса, бугунги рақобатбардош меҳнат бозори шароитида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Бу

жараён ходимнинг касбий ўсиши, янги имкониятларга эга бўлиши ва меҳнат самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази республика даражасидаги етакчи таълим муассасаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 4 июлдаги “Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 272-сонли қарорига мувофиқ, мазкур Марказ санитария-гигиена, эпидемиология ва микробиология йўналишлари бўйича тиббиёт ходимларини, шунингдек, бошқа соҳа мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланади. Марказда кадрларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш, назарий билимларини чуқурлаштириш, касалликларнинг олдини олиш, эрта ташхис қўйиш ҳамда шошилинч ҳолатларда

тезкор қарор қабул қилиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган замонавий ўқув модуллари жорий этилган. Шунингдек, илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замон талабларидан келиб чиқиб, ўқув жараёнларига сунъий интеллект ва рақамли технологиялар ҳам кенг жорий этилмоқда. Бу эса тиббиёт ходимларининг иш фаолиятини рақамлаштириш ва меҳнат самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Марказда дарс машғулоти Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси раҳбарияти ва малакали мутахассислари Р.Икрамов, Ж.Туйчиев, А.Исмаилов, А.Шукуров, Х.Жамолова, Н.Қаршева, Р.Ибрагимов, А.Нишоновлар томонидан олиб борилади. Шунингдек, республикадаги етакчи соҳа вакиллари: Н.Шадманова, Н.Эрматов, Н.Лебедева, Д.Мирзобоев, А.Носирова, Х.Ахмедова, Ш.Юсупалиева, Н.Қадирова каби мутахассислар томонидан назарий ва амалий машғулотлар юқори савияда ўтказилмоқда. Бугунги кунда малака ошириш жараёнлари ҳуқуқий жиҳатдан ҳам тартибга солинган. Жумладан, агар малака ошириш иш берувчи томонидан ташкил этилса, харажатлар ташкилот ҳисобидан қопланади. Шу билан бирга, ходимлар ўз ташаббуси билан ҳам малака ошириш курсларида иштирок этишлари мумкин. Замонавий имкониятлар туфайли онлайн таълим орқали ишдан ажралмаган ҳолда билим олиш имконияти ҳам мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, малака ошириш замонавий иш муҳитида ходимларнинг касбий ривожланишининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу нафақат мутахассисларнинг билим ва кўникмаларини оширади, балки ташкилотнинг рақобатбардошлигини ҳам таъминлайди. Шу боис, ҳар бир ташкилот ушбу жараёнга жиддий эътибор қаратиши зарур.

Малакали кадрлар – ҳар қандай ташкилотнинг энг қимматли ресурси. Шундай экан, сизларни Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида ташкил этилаётган жумладан, “Эпидемиология”, “Гигиена”, “Бактериология”, “Тиббий энтомология”, “Санитария-гигиеник лаборатория текшируви”, “Ўта хавfli инфекциялар бактериологияси”, “Паразитар касалликларнинг лаборатор диагностикаси”, “Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигига қўйиладиган гигиеник талаблар” каби замонавий ўқув курсларида кутиб қоламиз.

Марказ профессор-ўқитувчилари сизларга билимларни чуқур ва мустаҳкам ўзлаштиришингиз учун барча шароитларни яратиб беради.

Ф. ҲАКИМОВА,
Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси.

■ Долзарб мавзу

МЕНИНГИТ – ТЕЗ РИВОЖЛАНУВЧИ
ВА ХАВФЛИ КАСАЛЛИК

Бугунги кунда юқумли касалликлар орасида тез ривожланиши ва оғир асоратлари билан ажралиб турадиган хасталиклардан бири – менингит ҳисобланади. Ушбу касаллик кўпинча кутилмаганда бошланиб, қисқа вақт ичида инсон ҳаётига жиддий хавф туғдириши мумкин. Айниқса болалар ва иммунитетни паст шахслар учун менингит янада хавfli бўлиб, ўз вақтида аниқланмаса оғир оқибатларга олиб келади. Шу боис касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, дастлабки белгилари ва олдини олиш чораларини билиш ҳар биримиз учун муҳимдир. Санитария ва эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси Чилонзор туман бўлими врач эпидемиологи Асилхон Қиёмов билан касаллик, унинг белгилари, кимлар хавф остида бўлишлари ҳақида суҳбатлашдик.

Менингит ҳақида кўп эшитамиз. Бу аслида қандай касаллик ва нима учун у шунчалик хавfli ҳисобланади?

– Менингит бу бош ва орқа мия пардаларининг яллиғланиши бўлиб, кўпинча бактерия ёки вируслар сабабли юзага келади. Ушбу касалликнинг хавfliлиги шундаки, у жуда қисқа вақт ичида ривожланиб, инсон ҳаёти учун жиддий таҳдид туғдиради. Айниқса, бактерия менингит оғир кечади ва даволаш кечикса, асоратлар қолдириши ёки ҳаёт учун хавfli бўлиши мумкин. Шу боис бу касаллик-

ни “шошилинч тиббий ҳолат” сифатида баҳолаймиз.

– Касаллик қандай юқадди ва кундалик ҳаётда ундан ҳимояланиш мумкинми?

– Менингит кўзгатувчилари асосан ҳаво–томчи йўли орқали юқадди, яъни бемор йўталганда ёки аксирганда атрофдагиларга ўтиши мумкин. Баъзи ҳолларда умумий идиш–товоқ ёки гигиена воситаларидан фойдаланиш ҳам хавфни оширади. Одамлар гавжум жойларда узоқ вақт бўлиш, иммунитетнинг пасайиши ҳам

касалликка мойилликни кучайтиради. Шунинг учун оддий гигиена қоидаларига риоя қилиш ва ўз саломатлигига эътиборли бўлиш муҳим.

– Менингитнинг дастлабки белгиларини оддий шамоллашдан қандай фарқлаш мумкин?

– Дастлабки белгилар баъзан оддий шамоллашга ўхшаб кетиши мумкин, аммо менингитда ҳолат тез оғирлашади. Юқори иситма, кучли бош оғриғи, қайт қилиш, ёруғликка қарай олмаслик, бўйиннинг қотиши каби белгилар пайдо бўлади. Баъзи беморларда ҳушнинг бузилиши, тутқаноқ ёки терида тошмалар ҳам кузатилиши мумкин. Энг муҳим жиҳат – белгилар тез кучаяди, шунинг учун вақтни бой бермаслик керак.

– Қайси тоифа одамлар айниқса хавф остида бўлади?

– Энг аввало ёш болалар, кексалар ҳамда иммунитетни паст шахслар юқори хавф гуруҳига киради. Шунингдек, замонавий жойларда яшовчилар, масалан, талабалар турар жойлари ёки ҳарбий қисмларда бўлганлар орасида касаллик тезроқ тарқалиши мумкин. Шу сабабли профилактик чоралар айнан шу тоифалар учун жуда муҳимдир.

– Менингитни олдини олишнинг энг самарали йўллари нималардан иборат?

– Энг ишончли ҳимоя усули – бу эм-

лашдир. Бугунги кунда менингитнинг айрим турларига қарши самарали вакциналар мавжуд. Бундан ташқари, қўлларни мунтазам ювиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, иммунитетни мустаҳкамлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Касалланган шахс билан яқин алоқада бўлганлар эса шифокор тавсияси асосида профилактик чораларни кўришлари лозим.

– Агар менингитга шубҳа бўлса, қандай йўл тутиш керак?

– Энг тўғри йўл – зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш. Уй шароитида даволанишга уриниш ёки вақтни чўзиш жуда хавfli. Эрта ташхис ва тезкор даволаш орқали касалликни назорат қилиш ва оғир асоратларнинг олдини олиш мумкин.

– Суҳбат якунида аҳолига қандай тавсиялар берасиз?

– Ҳар бир инсон ўз соғлиғига масъулия билан қараши керак. Касаллик белгиларига бефарқ бўлмаслик, ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтиш ва профилактика чораларига амал қилиш муҳим. Энг асосийси – соғлом турмуш тарзини олиб бориш ва фарзандларни ўз вақтида эмлатиш орқали менингит каби хавfli касалликлардан ҳимояланиш мумкин.

Зиёда РАСУЛОВА
суҳбатлашди.

■ Актуальная тема

ВОЗ ОБНОВИЛА РУКОВОДСТВО ПО ТУБЕРКУЛЁЗУ

Для поддержки усилий стран по усилению выявления туберкулеза и лекарственной устойчивости ВОЗ выпустила новые, основанные на фактических данных рекомендации по политике в области тестирования на туберкулез.

С момента публикации последних сводных рекомендаций по диагностике туберкулеза в 2025 году появились данные о новых тестах, типах образцов и стратегиях первичной диагностики туберкулеза с выявлением и без выявления лекарственной устойчивости.

В ОБНОВЛЕННОМ ИЗДАНИИ, КОТОРОЕ БУДЕТ ОПУБЛИКОВАНО В БЛИЖАЙШЕЕ ВРЕМЯ

ВОЗ впервые рекомендует новые молекулярные тесты для диагностики туберкулеза, доступные непосредственно у постели больного (NPOC); легко собираемые образцы мазков с языка для упрощения и расширения доступа к тестированию; а также экономичную стратегию объединения мокроты для повышения эффективности тестирования на туберкулез и туберкулез, устойчивый к рифампицину.

Новые рекомендации по диагностике туберкулеза содержат следующие указания:

НОВЫЙ КЛАСС ЭКСПРЕСС-ТЕСТОВ НА ОСНОВЕ АМПЛИФИКАЦИИ НУКЛЕИНОВЫХ КИСЛОТ (NPOC-NAAT)

для первичного выявления туберкулеза без устойчивости к рифампицину на периферийных уровнях системы здравоохранения (т. е., в периферийных лабораториях, центрах первичной медико-санитарной помощи и населенных пунктах) с более низкой себестоимостью, чем у других типов молекулярных тестов и приборов;

МАЗКИ С ЯЗЫКА

как новые, легкодоступные и простые в сборе образцы для использования с экспресс-тестами на основе нуклеиновых кислот (NPOC-NAAT) и автоматизированными тестами на основе нуклеиновых кислот низкой сложности (LC-aNAAT) для первичного выявления туберкулеза с устойчивостью к рифампицину и без нее у взрослых и подростков, неспособных откашливать мокроту;

ОБЪЕДИНЕНИЕ ОБРАЗЦОВ МОКРОТЫ В КАЧЕСТВЕ ДИАГНОСТИЧЕСКОЙ СТРАТЕГИИ

для первичного выявления туберкулеза и устойчивости к рифампицину с использованием LC-aNAAT, что потенциально может сократить время получения результатов и снизить затраты в условиях ограниченных ресурсов..

Полная политика диагностики туберкулеза и лекарственно-устойчивого туберкулеза будет опубликована в этом году во втором издании сводных руководящих принципов ВОЗ по туберкулезу.

Сводные данные и таблицы для принятия решений



будут подготовлены в соответствии с методом GRADE и размещены на веб-сайте ВОЗ.

В руководстве будут представлены рекомендации по всем технологиям, типам образцов и стратегиям, которые в настоящее время рекомендуются, шаги по внедрению новых методов диагностики туберкулеза в программу здравоохранения, а также типовые алгоритмы тестирования и клинического ведения пациентов.

Обновленные рекомендации также будут сопровождаться набором инструментов ВОЗ для экспресс-тестирования на туберкулез и тестирования с помощью мазков, в котором будут изложены ключевые шаги по внедрению этих новых инструментов, а также представлены настраиваемые материалы для планирования, оценки готовности, тестирования, обучения, мониторинга и оценки, способствующие внедрению программы.

ФАКТОР, ЗАМЕДЛЯЮЩИЙ ВОЗРАСТНОЕ УХУДШЕНИЕ ПАМЯТИ У ЖЕНЩИН

Более длительный репродуктивный период может быть связан с более медленным снижением когнитивных функций. К такому выводу пришли исследователи, проанализировавшие данные более 14 тысяч женщин. Результаты опубликованы в журнале Menopause.

Под репродуктивным периодом ученые понимают время между началом менструаций и наступлением менопаузы.

Этот промежуток отражает длительность воздействия эстрогенов – гормонов, которые, как предполагается, играют важную роль в поддержании работы мозга.

Поскольку у женщин когнитивное снижение часто происходит быстрее, чем у мужчин, исследователи давно пытаются понять влияние гормонов на этот процесс.

Анализ более чем 30-летних наблюдений показал, что женщины с более длительным репродуктивным периодом в среднем лучше сохраняли память и другие когнитивные функции с возрастом.

При этом использование гормональной терапии, даже в первые годы после менопаузы, не показало



значимого влияния на состояние когнитивных способностей.

Авторы подчеркивают, что полученные результаты не означают необходимость вмешательства в гормональную систему, но помогают лучше понять механизмы старения мозга.

По их словам, естественные факторы, связанные с гормональным фоном, могут играть более важную роль в сохранении когнитивного здоровья, чем считалось ранее.

ОДИНОЧЕСТВО ПОВЫШАЕТ РИСК РАЗВИТИЯ ДЕГЕНЕРАТИВНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ КЛАПАНОВ СЕРДЦА

УЧЕНЫЕ ИЗ ЦЕНТРАЛЬНОГО ЮЖНОГО УНИВЕРСИТЕТА (ПРОВИНЦИЯ ХУНАНЬ, КИТАЙ) ОБНАРУЖИЛИ, ЧТО ОЩУЩЕНИЕ ОДИНОЧЕСТВА ПРИВОДИТ К ПОВЫШЕНИЮ РИСКА ДЕГЕНЕРАТИВНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ СЕРДЕЧНЫХ КЛАПАНОВ ДАЖЕ С ПОПРАВКОЙ НА СТАНДАРТНЫЕ ФАКТОРЫ РИСКА СЕРДЕЧНО-СОСУДИСТЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ И ГЕНЕТИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ.

В 2022 году Американская ассоциация кардиологов (АНА) сделала заявление о влиянии объективной и субъективной социальной изоляции на состояние сердца и головного мозга.

Эксперты АНА отметили, что отсутствие социальных связей повышает риски преждевременной смерти от всех причин и других неблагоприятных исходов.

Китайские ученые провели одно из первых крупномасштабных исследований, посвященных всестороннему изучению взаимосвязи одиночества и отсутствия социальных контактов с риском дегенеративных заболеваний клапанов сердца.

«По мере старения населения дегенеративные пороки клапанов сердца встречаются все чаще», – говорит автор исследования Чжаовэй Чжу, доцент кафедры сердечно-сосудистых заболеваний Центрального южного университета. Он подчеркивает, что одиночество может являться независимым и потенциально мо-



дифицируемым фактором риска развития дегенеративных заболеваний клапанов сердца.

«Заболевание сердечного клапана, диагностированное у пациента, испытывающего чувство одиночества, может отражать уязвимость биологических механизмов организма, связанную с психоэмоциональным состоянием человека», – утверждает ученый.

В ходе исследования был проведен анализ данных, полученных у 463 000 взрослых пациентов, зарегистрированных в базе данных UK Biobank. При включении в исследование участники заполняли опросники для определения наличия у них чувства одиночества и социальной изоляции. Медиана длительности периода последующего наблюдения составила около 14 лет.

Установление диагнозов дегенеративных заболеваний клапанов сердца отслеживали по медицинским картам пациентов.

■ Халқаро ҳамкорлик

ОНАЛАР САЛОМАТЛИГИ – МИЛЛАТИМИЗ ГАРОВИ

КУНИ КЕЧА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ВА КОРЕЯ ДАВЛАТИ КОҒИХ ФОНДИНИНГ ҚЎШМА МЕМОРАНДИУМИ БУЙИЧА ФОНДИНИНГ ЭКСПЕРТЛАР ГУРУҲИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИГА ТАШРИФ БУЮРИШДИ.

Улар Жиззах шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиника онкоскрининг ва филиалнинг ПЦР, цитология ва кольпоскопия хоналарининг фаолиятлари билан яқиндан танишишди. Ўзаро мулоқот чоғида "Бачадон бўйни саратони профилактикаси" бўйича вилоятимиз-



да олиб борилаётган ишларга ижобий баҳо беришди. Келгусида Корейлик мутахассислар билан скрининг дастурларини амалга оширилишида ҳамкор-

лик масалалари бўйича фикрлар алмашилди. Корейлик мутахассисларнинг ташрифлари доирасида вилоятдаги онконадзорат хоналарида ишловчи му-

тахассислар учун семинар-тренинг ўтказилди.

Нилуфар УСКАНОВА,
Жиззах вилояти лидер дояси.

САЛОМАТЛИГИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

Буйракда тош пайдо бўлишига қуйидаги омиллар сабаб бўлиши мумкин:

Кам сув ичиш, нотўғри овқатланиш (тузли, аччиқ овқат кўп истеъмол қилиш), модда алмасинуви бузилиши, сийдик йўллари инфекцияси, ирсий омиллар, кам ҳаракатли ҳаёт тарзи, баъзи дориларни узоқ қабул қилиш.

Белгилари: буйрак тош касаллигида қуйидаги белгилари кузатилади: бел ёки ён бошда кучли оғриқ, сийдик чиқарганда оғриқ, сийдикда қон келиши, кўнгил айнаши ва қайт қилиш, тез-тез хожатга чиқиш, ҳарорат кўтарилиши (инфекция бўлса), оғриқ баъзан жуда кучли бўлиб, тўсатдан бошланиши мумкин.

Тош турлари: буйрак тошлари таркибига қараб турларга бўлинади: кальцийли тошлар (энг кўп учрайди), уратли тошлар, оксалатли тошлар. Фосфатли тошлар.

Асоратлари: Агар даволанмаса: буйрак шомлаши, сийдик йўли тикилиши, буйрак етишмовчилиги, инфекция бўлиши мумкин.

Аниқлаш: қуйидаги текширувлар қилинади: сийдик таҳлили, қон таҳлили, УЗИ (ультра тош текшируви), рентген, компьютер томография (КТ).

Буйрак тош касаллигида ўтказиладиган пешоб таҳлиллари:

Умумий пешоб таҳлили: энг асосий таҳлил, пешобда қон, туз, бактерия, яллиғланиш бор-йўқлигини кўрсатади.



Пешобнинг бактериологик таҳлили: инфекция борлигини аниқлайди, қайси антибиотик таъсир қилишини билиш учун керак.

Пешобда тузлар таҳлили: оксалат, урат, фосфат каби тош турини аниқлашга ёрдам беради.

Суткалик пешоб таҳлили: 24 соатда чиққан пешоб текширилади, кальций, оксалат, сийдик кислотаси миқдорини аниқлайди.

Қўшимча текширувлар ҳам бўлиши мумкин: қон таҳлили (кальций, сийдик кислотаси), УЗИ (Ультратовуш), КТ ёки рентген - тошнинг жойлашуви ва ўлчамини аниқлаш учун.

Мадина ИСМАЙЛОВА.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиали лаборатория бўлими катта лаборанти.

КАСАЛЛИКДАН КЎРА АСОРАТИ ОҒИР

Кам қонлик- бу қонда гемоглобин ёки қизил қон таначалари (эритроцитлар) миқдори камайиб кетиши билан боғлиқ ҳолат. Гемоглобин организмга кислород ташиydi, шунинг учун камқонликда одам тез чарчайди ва ҳолсизланади. Қуйида камқонлик ҳақида тўлиқ ва тушунарли маълумот келтириб ўтмоқчиман.

Камқонлик сабаблари, камқонлик турли сабабларга қўра пайдо бўлади, энг кўп учрайдиган сабаблар: темир моддаси етишмаслиги, қон йўқотиш (кўп ҳайз келиши, жароҳат, операция), хомиладорлик, витамин етишмаслиги (В12, фолий кислота), нотўғри овқатланиш, ичак касалликлари (озуқа яхши сўрилмаслиги), гижжалар (айниқса болаларда), сурункали касалликлар.

Кам қонликда қуйидаги аломатлар кузатилади: тез чарчаш, ҳолсизлик, бош айланиши, терининг оқариши, юрак тез уриши, нафас қисилиши, соч тўқилиши, тирноқлар мўртлашиши, бош оғриши, иштаҳа пасайиши. Оғир ҳолларда: хушдан кетиш, қон босими тушиши.

Кам қонлик турлари

Темир танқислиги анемияси (энг кўп учрайди)

Сабаби: темир етишмаслиги, қон йўқотиш, нотўғри овқатланиш.

Витамин В12 танқислиги анемияси, сабаби:

В12 витамини етишмаслиги, фолий кислота танқислиги анемияси.

Апластик анемия: сабаби, суяк илиги касалликлари, гемолитик анемия сабаби, қон хужайраларини тез парчаланиши.

Камқонлик даражалари (гемоглобин бўйича)

Энгил: 90–110 г/л, ўртача: 70–90 г/л, оғир: 70 г/л дан паст

Камқонликни аниқлаш таҳлиллари: қуйидаги анализлар топширилади: умумий қон таҳлили (ОАК), гемоглобин миқдори, темир (Fe) таҳлили, ферритин, В12 витамини, фолий кислота, гижжага анализ (ахлат таҳлили).

Камқонликда фойдали маҳсулотлар: темирга бой овқатлар: жигар, қизил гўшт, товук гўшти, балиқ, тухум, исмалоқ, лавлаги, анор, олма, қора майиз. Яхши сўрилиши учун: лимон, апельсин, сабзавотлар. С витаминли маҳсулотлар.

Камқонлик асоратлари

Агар даволанмаса: Юрак касалликлари, иммунитет пасайиши, хомиладорликда асоратлар, болаларда ўсиш секинлашиши, хотира ва диққат пасайиши мумкин.

Наргиза УМИРЗАКОВА,

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиали лаборатория бўлими лаборанти.

■ ФВВ огоҳлантиради

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ – ХАВФСИЗ ҲАЁТ ГАРОВИ

Фавқулодда вазиятлар – бу инсон ҳаёти, соғлиги ва атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган ҳодисалардир. Уларга зилзила, сел, сув тошқини, ёнғин, портлашлар, кимёвий авариялар каби ҳолатлар қиради. Бундай вазиятларнинг аксариятини тўлиқ бартараф этиш қийин бўлса-да, уларнинг олдини олиш ва зарарини камайтириш имконияти мавжуд.

Аввало, фавқулодда вазиятларни олдини олишда профилактика ишлари муҳим ўрин тутаети. Аҳоли ўртасида мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб бориш, хавфсизлик қоидаларини ўргатиш, турли тренинг ва машғулотлар ташкил этиш зарур. Айниқса, таълим муассасаларида ўқувчиларга фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш кўникмаларини сингдириш катта самара беради. Шунингдек, замонавий технологиялар ва мониторинг тизимларидан фойдаланиш ҳам муҳимдир. Масалан, зилзилаларни олдиндан аниқлаш, об-ҳаво ўзгаришларини кузатиш, сув сатҳини назорат қилиш орқали қўплаб офатларнинг олди олинадиган ёки уларнинг таъсири камайтирилади. Бундан ташқари, фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш ҳам зарур. Ҳар бир оила эвакуация режасига эга бўлиши, зарур воситалар – биринчи ёрдам қутиси, сув ва озиқ-овқат захираси, алоқа воситаларини тайёрлаб қўйиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, фавқулодда вазиятларни олдини олиш – бу нафақат давлат ташкилотлари, балки ҳар бир фуқаронинг масъулиятидир.

Баҳромхўжа АБДУЛЛАЕВ,
“Қорасув” қароргоҳи Давлат Резиденцияси объектларида ФВБ кичик инспектори.

ХАВФСИЗЛИК ВА ТАЙЁРГАРЛИК МУҲИМ

Ҳар йили мамлакатимизда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларга тайёргарлик даражасини ошириш мақсадида “Фуқаро муҳофазаси ойлиги” ўтказилади. Ушбу ойлик доирасида турли тарғибот-ташвиқот ишлари, амалий машғулотлар ва ўқув-семинарлар ташкил этилиб, фуқароларнинг билим ва кўникмалари мустаҳкамланади.

Фуқаро муҳофазаси – бу тинчлик ва уруш даврида аҳолининг ҳаёти, соғлиги ва моддий бойликларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим тизимдир. Шу боис, ҳар бир фуқаро фавқулодда вазиятларда қандай ҳаракат қилишни билиши зарур. Ойлик давомида айнан мана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади. Ойлик тадбирларининг асосий мақсади – табиий офатлар (зилзила, сув тошқини, кучли шамол), техноген авариялар ва бошқа фавқулодда ҳолатларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича аҳолининг хабардорлигини оширишдир. Мактаб, коллеж, ташкилот ва маҳаллаларда махсус машғулотлар ўтказилиб, эвакуация режаларини амалда синовдан ўтказиш, биринчи ёрдам кўрсатиш усулларини ўргатиш каби ишлар амалга оширилади. Фуқаро муҳофазаси ойлиги нафақат мутахассислар, балки ҳар бир инсон учун муҳимдир.

Жамол МИРЗАЕВ,
“Қорасув” қароргоҳи Давлат Резиденцияси объектларида ФВБ катта инспектори.

Тадбир

СИРДАРЁДА ТИББИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШ
ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРМОҚДА?

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Олим Омонов иштирокида Сирдарё тумани соғлиқни сақлаш бўлимида ҳудуддаги тиббиёт муассасаларини рақамлаштириш борасида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

га қўйиш мақсадида шифо масканларидаги локал тармоқ, ахборот-коммуникация ва компьютер жиҳозлари тўлиқ хатловдан ўтказилди ва эҳтиёж асосида зарур техникалар билан таъминланди. Шунингдек, тумандаги 1100 нафарга яқин тиббиёт ходимининг ахборот тизимларидан фойдаланиш бўйича кўник-



сақлаш бошқармаси раҳбари этиб тайинланган В.Худойкулов зиммасига бирламчи тиббий ёрдамни такомиллаштириш, соҳани рақамлаштириш билан боғлиқ қатор устувор вазифалар юклатилган. Тадбирда унинг бу борадаги масъулияти юқори экани таъкидланиб, белгиланган топшириқларни сифатли амалга ошириш зарурлиги айтиб ўтилди.

Тадбир сўнгида соҳани рақамлаштиришда фаоллик кўрсатган бир гуруҳ ҳамширалар вазирликнинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

@ssvuz

Сўнги икки йилда вилоятдаги мавжуд 174 та давлат тиббиёт муассасасининг барчаси АКТ ва тармоқ қурилмалари, 2100 дан зиёд моноблок, 900 га яқин планшет ҳамда бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланди.

Вилоят шифо масканларида DMED ягона электрон ахборот тизими йўлга қўйилиб, беморларни рўйхатга олиш ҳамда тиббий кўрик натижалари электрон шаклда юритилмоқда. Жумладан, бу борадаги ишлар Сирдарё туманида ижобий самара берапти. Ушбу ҳудуд Президентимизнинг 2025 йил 19 майдаги тегишли фармонида мувофиқ, юртимизнинг намунавий 15 та тумани (шаҳар) қаторига киритилиб, бу ерда соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели тажриба-синов тариқасида жорий этилмоқда.

Хусусан, дастур доирасида туман



соғлиқни сақлаш бўлими ташкил қилиниб, мавжуд бирламчи тиббиёт муассасалари оилавий поликлиникаларга айлантирилди. Шундан 4 тасига 2-тип, 11 тасига 1-тип ҳамда 3 тасига оилавий поликлиника филиаллари мақоми берилди.

Рақамлаштириш жараёнларини йўл-

малари мустаҳкамланди.

Тадбирда ҳудуддаги ижобий ҳолатларни намуна сифатида кўрсатиб ўтиш баробарида, мавжуд камчиликларни қисқа муддатда бартараф этиш бўйича масъулларга аниқ топшириқлар берилди. Яқинда Сирдарё вилояти соғлиқни

Муҳим ютуқ

ЧАҚАЛОҚДА НЕЙРОЖАРРОХЛИК АМАЛИЁТИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИЛДИ

Сирдарё вилоятида тиббиёт соҳасида яна бир муҳим ютуқ қайд этилди. Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида туғма аномалия – орқа мия чурраси (спина бифида) билан туғилган бир ярим ойлик чақалоқда мураккаб нейрожаррохлик амалиёти муваффақиятли ўтказилди.



Маълумки, орқа мия чурраси хомилдорлик даврида она организмида кечган турли инфекцияцион касалликлар, жумла-

дан, шамоллаш, витамин етишмовчилиги ёки бошқа омиллар таъсирида шаклландиган оғир туғма нуқсонлардан бири ҳисо-

бланади. Ушбу касалликда боланинг умуртқа поғонаси тўлиқ ёпилмайди ва орқа мия ҳамда асаб тўқималари ташқи муҳит таъсирига очик ҳолда қолади. Бу эса жиддий асоратлар — ҳаракат чекланиши, фалажлик, ички аъзолар фаолияти бузилиши, ҳатто ҳаёт учун хавfli ҳолатларга олиб келиши мумкин. Шу вақтгача бундай мураккаб жаррохлик амалиётлари асосан республика ихтисослаштирилган марказларида ўтказиб келинган бўлса, эндиликда давлатимиз раҳбарининг оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ихтисослашган тиббий хизматни ҳудудларга яқинлаштириш бўйича берган топшириқлари ижроси доирасида мазкур амалиётлар вилоят даражасида ҳам йўлга қўйилмоқда.

Сирдарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази нейрохирургия бўлимида олий тоифали нейрохирург Шухрат Қиличов, шунингдек, Республика

ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази нейрохирургия маркази нейрохирурги, тиббиёт фанлари номзоди Югай Игорь Александрович ҳамкорлигида илк мураккаб амалиётлар амалга оширилмоқда. Бундан бир ой муқаддам ҳам бир ойлик чақалоқда шундай жаррохлик амалиёти муваффақиятли ўтказилган эди.

Куни кеча эса Ширин шаҳрида 2026 йил 26 февраль санасида дунёга келган бир ярим ойлик чақалоқда навбатдаги шундай амалиёт муваффақиятли бажарилди. Амалиётда нейрохирург Шухрат Қиличов ва анестезиолог Анвар Муҳаммадиев иштирок этди.

– Бизга келганда беморнинг ҳолати қониқарли эди. Барча зарур лаборатор ва инструментал текширувлардан сўнг жаррохлик амалиётини ўтказдик. Энг хавfli жиҳати шунда эдики, туғма аномалия ёрилиб кетган, бу эса



оғир инфекцияцион асоратлар келтириб чиқариши мумкин эди, – дейди мутахассис.

Шифокорлар томонидан ўз вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам ва муваффақиятли ўтказилган жаррохлик амалиётининг натижасида ҳозирда чақалоқнинг ахvoli яхши, у шифокорлар назорати остида даволанмоқда.

Гулном ПРИМОВ.